ТОШЛАР СЎЗЛАГАНДА...

Тошдаги битикларга асосланиб, тарихда Саййид Аҳмад амир унвони билан танилганига ишонч ҳосил қилиш мумкин. Тарихий манбалар амирзода Умаршайх Мирзонинг бешинчи фарзанди экани ҳамда милодий 1391 йилда туғилиб, 1429 йилда дунёдан кўз юмгани хусусида маълумот берса-да, унинг қаерда ва қай ҳолда вафот этгани ҳақида манбалар учрамайди. У Шоҳруҳ Мирзо ҳукмронлиги замонида унинг тасарруфидаги ерларда хизмат қилган.

2-бет

ЭР ва ЕР

Эҳтимол, ўсмир қизчаларнинг дод солиб ўз севгисини изҳор этиши жуда катта фожеа эмасдир, лекин оила қўрғонининг заиф бўлиб қолиши, айниқса, унда эркакнинг ўрни йўқолиши бундан-да катта фожеа эмасми? Юзага бўртиб чиққан дард ҳақида куюнчаклик билан гапирган яхши, аммо унинг илдизларига теранроқ назар солинса, моҳият янада ойдинлашган бўлармиди?

3-бет

Қисматидан қочиб кетолмас одам

Хаёлимдай бошсиз-кетсиз олис йўллар,
Ютаман дер ҳувиллаган тақир чўллар,
Эрта-ю кеч тақдим этиб хазонгуллар,
Тошюраклар тошлар боғлар юрагимга.

4-бет

Mustaqil gazeta

HURRIYAT

1996-yil dekabrdan chiqa boshlagan E-mail: hurriyat@uzpak.uz № 9 (367) 2004-yil 3-mart

«HURRIYAT» сизники, Сиз HURRIYATники бўлинг!

Газетамизга 2004 йил учун обуна давом этмоқда.

Нашр кўрсаткичи — 233

Анжуман

ТИББИЙ ТАЪЛИМ: ҲАМКОРЛИК ҚИРРАЛАРИ

Тошкентдаги муҳташам "Radisson SAS" меҳмонхонасида "Менежмент, мониторинг ва баҳолаш: минтақавий тиббий таълим борасида ҳамкорлик" мавзуидаги халқаро конференция бўлиб ўтди. Унда Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон, Ўзбекистон Республикаларидаги етакчи тиббий таълим муассасалари ҳамда Соғлиқни сақлаш вазирлиги раҳбарлари билан бир қаторда Америка Соғлиқни сақлаш халқаро кенгаши (AIHA — American International Health Alliance), Жанубий Флорида университети Тиббиёт фанлари маркази ҳамда АҚШнинг халқаро ривожланиш агентлиги вакиллари фаол иштирок этишди.

Шу йилнинг 11 февралида Америка Соғлиқни сақлаш халқаро кенгаши (ACCXK) АҚШнинг халқаро ривожланиш агентлиги (USAID) билан ҳамкорликда Марказий Осиё ва АҚШ тиббий таълим даргоҳлари ўртасида малакали мутахассислар тайёрлаш ва уларнинг профессионал савиясини ошириш юзасидан Минтақавий ҳамкорлик йўлга қўйилажагини маълум қилган эди. Шу мақсадда алоҳида дастур ҳам ишлаб чиқилди. Унга биноан, келажакда Марказий Осиё давлатларидаги етакчи тиббий олий ўқув юртлари (Ғарбий Қозоғистон давлат тиббиёт академияси, Қозоғистон Давлат тиббиёт академияси, Қирғизистон Давлат тиббиёт академияси, Ўш давлат университети Тиббиёт факультети ҳамда 1- ва 2-Тошкент давлат тиббиёт институтлари) ва АҚШнинг кўзга кўринган тиббий таълим муассасалари ўртасида келажакда кенг қамровли ҳамкорлик алоқалари ўрнатилади. Мақсад Марказий Осиё давлатларидаги тиббий олий ўқув юртлари битирувчилари дипломларининг минтақавий миқёсда тан олиниши ва мутахассисларнинг касбий малакасини янада оширишга қаратилган.

Тошкент халқаро конференцияси эса ана шу ҳамкорликка тамал тошини қўйди, десак муболаға бўлмаса керак. Чунки ўтган бир ҳафта давомида иштирокчилар минтақавий ҳамкорлик истиқболлари, унинг қай кўринишда намоён бўлиши ва шунга ўхшаш ташкилий масалаларни кўриб чиқишди. Конференция давомида тиббий таълим беришда минтақавий ҳамкорлик қилиш муаммолари, молиявий таъминот ва шу каби бошқа масалалар муҳокама этилди.

Дастурга кўра, иштирокчилар 1- ва 2-Тошкент Давлат тиббиёт институтларига ташриф буюришиб, олий ўқув юртидаги мавжуд шарт-шароитлар ва талабалар ҳаёти билан яқиндан танишишди. Меҳмонлар шу тариқа юртимиздаги тиббиёт мутахассислари тайёрланадиган муассасалар фаолиятини ўрганишди.

Ташкил этилган турқум халқаро семинарлар истиқболдаги минтақавий ҳамкорлик масалаларини қўлдан келганча ҳал этиш имконини берди. Шуни айтиш керакки, ҳар бир семинарда халқаро донор ташкилотлар вакиллари ҳам ҳозир бўлишди ва молиявий масалаларни биргаликда ҳал этишга кўмак беришди. Улар сарфланажак маблағлар имкон қадар тўғри ва самарали йўналтирилиши мақсадга мувофиқлигини уқтириб ўтишди.

Халқаро конференциянинг сўнгги иш кунида эса бир қатор юқори мартабали меҳмонлар, хусусан, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазири Феруз Назиров, Олий ва ўрта махсус таълим вазири Саидаҳрор Ғуломов, АҚШнинг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва мухтор элчиси жаноб Жон Пурнелл, USAID/CAR вакили Женнифер Адамс иштирок этиб, нутқ сўзлашди. Марказий Осиё ректорлари кенгаши ҳам тиббий таълимда минтақавий ҳамкорлик истиқболлари юзасидан фикр-мулоҳазалари билан бошқаларни таништириб ўтди. Шу куни иштирокчилар минтақавий ҳамкорлик борасида якунловчи хулоса чиқариб, келажакда бирдамликда ва ҳамжиҳатликда ишлашга келишиб олишди.

Ўйлаймизки, Тошкент халқаро конференцияси келажакда янада мукаммал тиббий ходимлар етиштириш ва уларнинг профессионал савияси нафақат минтақа, балки жаҳон миқёсида тан олинишига сабаб бўлади.

Муҳиддин АБДУРАСУЛОВ

Натижа

СИРДАРЁДА НИМА ГАП?

Мен ушбу мақоламни, гарчанд нокамтарликдек туюлса-да, ўтган йил айни шу пайтларда "Hurriyat" газетасида босилган "Детонатор ишга тушса..." сарлавҳали мақоламдан парча келтириш билан бошламоқчиман:

"... — Омма ўз кучига ишонган жойдагина тараққиётга эришиш мумкин, — деди вилоят ҳокими сўзида давом этиб. — Бунга Япония мисол, Германия мисол... Шунинг учун мен бугун сизлардан, Сирдарё зиёлиларидан илтимос қиламан: келинг, бир пайтлар қуш учса қаноти, одам юрса оёғи куйган саҳрони гуллаб-яшнаган воҳага айлантирган кишиларимизни яна руҳлантирайлик, қалбларида ўз кучларига ишонч пайдо қилайлик! Ишонч, бу, дўстлар, шундай детонаторки, киши жисмидаги бор куч-энергияни қўзғатиб, ишга солиб юборади...

Ажабо, сирдарёлик ҳокимнинг гаплари америкалик файласуфнинг ўгитига ҳамоҳанг чиқаётирку! Дунёга Дейл Карнеги номи билан танилган бу файласуф шундай деганди: "Инсонни ўзига, ўз куч ва салоҳиятига ишонтир-да, ундан мўъжизалар кутавер!"

...Учрашувнинг эртаси куни вилоят рўзномасида ишлайдиган бир ҳамкасбимни учратиб қолдим. Умрида лавҳа ёзмаган бу йигит очеркка қаҳрамон излаб, ижобий сафарга кетаётган экан. Ҳа, америкалик файласуф ҳаққа ўхшайди... сирдарёлик ҳоким ҳам!

Қалбимда илиқ умид уйғонди: бир инсон юздан зиёд зиёлини қўзғата олди, энди бу зиёлилар ахли Сирни қўзғата олса, не ажаб!

"Детонатор" ишга тушса... илоҳо, ишга тушсин-да!"

Ҳа, мақолани уч нуқта остида яширинган не бир ширин умидлар билан тугаллаган эдим. Кейин мени бошқа яна бир нарса ҳайратга солди: мақола чиққач, Тошкентга ҳар борганимда танишлар, ҳамкасблар "Детонатор" ишга тушдими?" деб сўрайдиган бўлиб қолишди. Бунчалик қизиқишнинг боисини эса билолмасдим: балки бу ватанпарварлик ҳисси туфайлидир — мамлакатнинг кичик бир вилоятининг ҳам тезроқ оёққа туришини дил-дилдан исташгандир, балки "мелиса"дан чиққан ҳоким қандай иш олиб бораётганлигига қизиқишгандир... Нима бўлганда ҳам мен бугун, ушбу мақоламда ана шу саволга — "Детонатор" ишга тушдими?" деган саволга жавоб қайтармоқчиман.

Яратганга ҳамдлар бўлсинким, ул меҳрибон Зот замонавий жарчи, яъни журналист бўлган мен қулига ҳам иккиланмай "Ҳа, "детонатор" ишга тушди, нафақат ишга тушди, балки ўзининг илк самараларини туҳфа этди!" дея олиш имконини берди!

Мана, қўлимда 2003 йил якуни бўйича кутилаётган молиявий натижалар тўғрисидаги тезкор маълумот. Унда қайд этилишича, 1998-2002 йилларда пахтачиликдан 32 миллиард 124 миллион сўм зарар кўрилган, бу йил эса 738 миллион сўм соф фойда кутилмоқда! Тўғри, бу тахминий ҳисоб-китобга асосланган маълумот, балки фойда кутилаётганидан беш-ўн миллион сўм кам бўлар. Лекин ўзингиз инсоф билан айтинг, беш йил мобайнида узлуксиз зарар кўриб келган ва бу зарар миқдорини 32 миллиард сўмдан ошириб юборган вилоят учун фойдага чиқишнинг ўзи қалбларни тўлқинлантирувчи бир ғалаба эмасми?! Бу биз назарда тутган "детонатор" ишга тушганининг бир белгиси эмасми?!

Тўғрироғи, "детонатор" йил бошиданоқ ишга тушганди. Буни бир оёғи Сирдарёда бўлган минтақавий мухбир сифатида камина ҳам пайқагандим. Пайқамаслик мумкин эмасди-да ўзиям. Қаерга борсангиз, шов-шув, қайси даврага кирсангиз, аввали лоқайдлик, карахтлик ўрнига баҳс-мунозара:

— Эшитдингизми, ўғитни "туя" қилаётган база бошлиқлари қамалибди. Энди таъминот изга тушиб қолар...

— Э, сиз уни айтасиз, иш шу даражага бориб етган эканки, бензин-саларка тўла "бензавуз"ларни битта кран шу-у-ундай кўтариб, Тожикистонминан чегарадаги зовурнинг нариги ёғига ўтказиб қўяркан, "юк"ини бўшатиб келганидан кейин яна ўзимиз томонга ўтказаркан. Бу "мапия"ни каттанинг ўзи ярим кечада эски "Масквич"да бориб ушлапти...

— Бу йил режадан ортиқча ғалла фермерларга қолдириларкан!

— Қанийди... ҳамма жон-жаҳди билан ишлашга ўтарди-куя!

Бундай гап-сўзларни эшитарканман, "Карахтлик кетди!" деб ўйладим. Лекин ҳали "детонатор" ишга тушди" деб ёза олмасдим...

Ғалла мавсумига якун ясалди. Шартномавий режа 80,5 фоиз бажарилди, холос. Аммо қизиғи шундаки, фермерлар хурсанд эдилар. Юзларига қон, лабларига табассум югурган, қайси бирлари эсларидан чиқиб кетаёзган қўшиқларни қайтадан хиргойи қила бошлаган. Ахир, режа бажарилмагани билан вилоят бўйича 67 минг тонна ғалла шартномавий режасини бажариб қўйган фермерларга қолдирилган, неча йиллардан буён ҳувиллаб ётган омбор-у қазноқлар донга тўлганди-да! Энг муҳими, кўнгилларда умид ғунча очганди: режадан ортиқчасини ҳақиқатан ҳам ўзимизга қолдиришаркан, яхшироқ ишласак, янаги йил бунданам кўпроқ ғаллага эга бўламиз.

Ҳа, "детонатор" ишлай бошлаганди! Аммо аниқ факт-рақамларга таяниб иш кўрувчи ҳамкасбларимни ҳам, уларнинг ёзганлари асосида фикр юритишга ўрганиб қолган газетхонларни ҳам бунга ишонтириб бўлмасди. Чунки улар сўнгги йилларда илк бора ўз ҳақларини қўлга киритган ғаллакорларнинг қувончдан чақнаган кўзларини кўрганлари, янада катта умидлар билан тузаётган режаларини эшитганлари йўқ эди. Мақолада келтириладиган "... фоиз" эса менинг илиқ гапларимнинг тафтини қочирарди. Шунинг учун қўлга қалам олишдан ўзимни тийдим...

Ниҳоят, мана, илкимда ғоят катта "кўзир" — вилоят иқтисодий тараққиётини белгиловчи асосий миллиард сўм фойда кўрилаётганлиги тўғрисидаги маълумот! Вилоятда халқ ташаббускорлик руҳини уйғотиш, адолатни қарор топтириш, тартиб-интизомни мустаҳкамлаш борасида амалга оширилган ишларни бутун кўлами билан тасвирлаб бериш қийин, чунки улар аниқ рақамларда ифодаланмайди. Шу ишларнинг моддий самараси бўлган "738 миллион" рақамини бутун аҳли мамлакат ўқийдиган қилиб дадил ёзиш мумкин — бу рақамни ҳеч ким инкор этолмайди. Аммо бугун дилларга сурур бағишлаётган бу рақамни ёзиш, бошқача айтганда, "детонатор"ни ишга тушириш осон кечмади...

(Давоми 2-бетда)

Арафа

Фаслар келинчаги Баҳорнинг илк байрами хотин-қизларга аталган. Бу билан она табиат ҳам одамзот дояси, гўзаллик ва чирой тимсоли аёлни шарафлаган гўё. 8 мартдан сўнг олам ўзгаради, борлиққа уйғониш ва ижод руҳи кириб кела бошлайди. Байрамда эса табриклар, совға-саломлар ва ҳазиллар яраша ди. Бугун барча эзгу ниятларимиз сизга, муҳтарама Аёллар.

(Мақолаларимизнинг давомини 3- ва 4- бетларда ўқинг)

Ҳазиллар

Ўзбекистон халқ шоираси Ҳалима ХУДОЙБЕРДИЕВАга

Ғайрат билан ишлаяпти,
"Йигирма биринчи аср"да ҳам.
Ёзганлари бизга ёқар,
Бўлса ҳамки, насрда ҳам.

Шеър эшитган қулоқлар-ку,
Опамиздан қарз эди қанча.
Прозасин ўқиганлар
Тўн кийдирса арзийди қанча.

Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Севара НАЗАРХОНга

Уни парвоз эттирди,
Чет элларга овози.
Рисоладаги қиздан
Эли, юрти ҳам рози.

Кўз-кўз этсин, майлига,
Ўзбек қизин шунақа.
Чет элликлар лол қолсин.
Бизники деб бунақа.

Таниқли шоира Ҳалима АҲМЕДОВАга

Радиода кўп пул олар
У озгина калимага.
Унча-мунча совға ёқмас
Шу сабабли Ҳалимага.

Бир қолса-чи кўнгли бўлди,
Тушмас-ов ўрнига-ку!
Сирка керак қулоғига,
Тақмас-ов бурнига-ку!

Ўзбекистон радиоси «Ёшлар» канали катта муҳаррири Зебо МИРЗАЕВАга

Шеър ўқийди сал тортиниб,
Ҳаё билан, ибо билан.
Илҳом ҳурсанд дўстлашганга
Мирзаева Зебо билан.

Байрам куни йўл олишди,
Уникига мош, қовоқ ҳам.
Табриклай деб ишга тушди.
Ҳаттоки ул ошқовоқ ҳам.

"Туркистон" газетаси мухбири Зиёда АШУРОВАга

Йигитлар орасида
Жуда кўпдир пиёдаси.
Ҳафа бўлмас кеч қутлашса,
"Туркистон"нинг Зиёдаси.

Тонган, майли, гул обкелсин,
Топмаган бир боғ пиёз.
Унга атаб қўшиқ айтсин.
Ўзимизнинг шу Гиёс!

"Ватанпарвар" газетаси мухбири Зулфия ЮНУСОВАга

Болалиги қолмаган.
Ишлаганда "Боғча"да.
Ёзганлари бир дунё,
Баландлиги тоғчада.

Ўзгаларнинг номидан
Шеър ёзар жон қойтиб
Эртага ул "шоирча"лар
Кетмаса бас вой этиб.

"Даракчи" газетаси мухбири Муҳаббат ТЎХТАШЕВАга

Ёзганингиз ажабтовур,
Бошқалардан фарқланур.
Бугун рости, "Даракчи"да
Қаламингиз чарҳланур.

Терак ўзи шунақа-ку,
Тик ўсади ҳар жойда
Сиздай талантнинг борлиги
Адабиётга фойда.

Ҳазилкаш: Абдураззоқ ОБРУЙ

Якун

"АТИРГУЛ" СОҲИБАЛАРИГА ТАБРИК!

Ўзбекистон оммавий ахборот воситаларини демократиялаштириш ва қўллаб-қувватлаш ижтимоий-сиёсий жамғармаси "Журналист аёллар клуби" анъанавий "Атиргул" танловини якунлади. Ижодий ҳайъат 2003 йилда фаол ижод қилган, Ватанимиз ва халқимиз ҳаётида юз бераётган тарихий янгиликларни ўзига хос ва таъсирчан услубларда ёзган, таҳлил қилган ва кенг тарғиб этган қуйидаги хотин-қиз журналистларимизни ижодий танлов ғолиблари деб топди:

Васила ТУРДИБОЕВА — Наманган шаҳридаги "Бегойим" газетаси муҳаррири

Феруза ОДИЛОВА — "Тонг юлдузи" газетаси бўлим мудири

Зиёда АШУРОВА — "Туркистон" газетаси мухбири

Бўритош НОСИРОВА — Қарши педогогика коллежи ўқитувчиси

Дилором ҲАЛИМОВА — Бухоро вилояти "Солиқ назорати" газетаси муҳаррири

Наталья КОЧУБЕЙ — "Правда Востока" газетаси шарҳловчиси (марҳума)

Зебо МИРЗАЕВА — "Ўзтелерадио" компанияси "Ёшлар" канали катта муҳаррири

Шунингдек, қуйидаги қалам соҳибалари тақдирландилар:

Жамила АРСЛОНОВА — "Истиқбол" газетаси, Зангиота тумани

Юлдуз ТЕШАБОЕВА — "Ғунча" журнали

Наталья УМРЗОҚОВА — "Вечерний Ташкент"

Муҳаббат МИРСАИДОВА — республика радиоси маънавият ва мусиқа бош муҳарририяти

Наргис БЕРДИБОЕВА — "Савдогар" газетаси мухбири

Насиба ЭРХОНОВА — "Маърифат" газетаси мухбири

Жумагул АЛИМБЕКОВА — "Нурли жол" газетаси мухбири

Ғолибларни ва барча журналист аёл-қизларимизни гўзаллик ва нафосат айёми билан муборакбод этамиз!

Ижро

САЛОМГА АЛИК КЕРАК

Мамлакатимиз мустақиллигининг дастлабки йилларида қабул қилиниб, 2002 йилнинг 13 декабрида янги таҳрирда тасдиқланган «Фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисида»ги Қонун Ўзбекистонда демократик тамойилларнинг кенг қўлам касб этиши асосида амал қилмоқда. Ушбу ҳуқуқий ҳужжат ҳар бир фуқарога ўзининг қонуний эркинликларидан фойдаланиш учун тўлиқ кафолат беради. Айни пайтда давлат органлари, муассасаларида фаолият юритаётган раҳбар ёки бошқа мансабдор шахс зиммасига катта масъулият юклайди.

Лекин айрим ҳолларда вақт йўқлигидан нолиймиз, тоқатсизлик қиламиз, мурожаатни бошқа бировга оширишга интиламиз, наридан бери жавоб йўллаймиз. Ахир, ўша лаҳзаларда нега ўзимизга «Хўш, бу борада қонун нимани талаб қилади?» деган саволни бермаймиз? Мана, Қонуннинг 90-моддасида аниқ-тиниқ ёзиб қўйилган: «Давлат органлари фуқароларнинг мурожаатларини кўриб чиқишда қонунга хилоф ҳаракатларнинг (ҳаракатсизликнинг) дарҳол олдини олишга доир чора-тадбирлар кўришлари, фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари бузилишига олиб келаётган сабаблар ва шароитларни аниқлашлари, мурожаат қилганликлари муносабати билан фуқаролар таъқиб қилинишининг белгиланган тартибда олдини олишлари шарт». Яна бир ўринда «Фуқароларнинг мурожаатлари, албатта, қабул қилиниши ва кўриб чиқилиши керак» (12-модда) деб ёзиб қўйилганлиги адолатли ҳуқуқий жамият қураётган мамлакатнинг ҳар бир аъзоси учун сўзсиз итоат этадиган қоида бўлмоғи лозим.

«Халқ сўзи» газетаси таҳририятига фуқаролар узлуксиз оғзаки ва ёзма мурожаатлар қилиб туришади. Бу мурожаатларнинг қарийб 70 фоизи шикоят ва аризалардан иборат эканлигини айтсак, ишимиз жуда кўп идора ва муассасалар билан алоқадор эканлигини англаймиз. Фикримизнинг исботи сифатида таҳририятга келган бир мурожаат тарихи билан муфассалроқ танишиб чиқайлик.

2003 йилнинг 14 июлида «Халқ сўзи» газетаси таҳририятига Сурхондарё вилояти, Жарқўрғон туманидаги Норали Боймуродов номли ширкат хўжалигида яшовчи Ўлмас Шоимовадан шикоят хати келди. Мактубда ёзилишича, Ў. Шоимованинг турмуш ўртоғи 1-гуруҳ ногирони. Ўртада битта фарзанд бор. Вақтинча қурилиш бошқармасига қарашли 2 хонали ташландиқ уйда яшашади. Бу оилага томорқа қуриш учун жой керак. Хатда айтилишича, шикоятчи ширкат хўжалиги раисига, қишлоқ фуқаролар йиғинига, Жарқўрғон туман ҳокимига, хатто Сурхондарё вилоят ҳокимига ҳам мурожаат қилган. Ҳеч қандай натижа йўқ. Шундан кейин фуқаро Тошкентдаги турли идораларга шикоят йўллайди. Улар туман раҳбариятига ҳавола этилади. Туман раҳбари «Нега юқорига хат ёздинг?» деея дағдаға қилади. Бундан ташқари, шикоятчига қараб: «Нима, эрингнинг кўзини мен кўр қилдимми?» дея шахсиятига тегади. Шундай бўлса-да, хат муаллифи туман касалхонаси ёнидан ўн сотих жой олишда ёрдам сўрайди.

Наҳотки, шу гаплар рост бўлса? Ариза мазмунини кўриб чиқишни сўраб, туман ҳокимлигига мурожаат қилдик. Туманы ҳокимининг маълум қилишича, Ў. Шоимовага Н. Боймуродов номли ширкат хўжалигининг «Гулистон» участкасидан ва Навоий номли ширкат хўжалигининг «Оқтепа» даҳасидан, Т. Шоиуров номли ширкат хўжалиги ҳудудидан уй-жой қуриш учун таклиф билдирилган, лекин арзгўй бунга рози бўлмаган. Ушбу жавобга ҳоким ўринбосарлари, бош меъмор ва мутахассислар имзолаган далолатнома илова этилади. Жавобда ёзилишича, Ў. Шоимова сўраган жой қишлоқ хўжалигида фойдаланиладиган ерларга кириши керак ва бу ердан участка бериш имкони йўқ.

Начора, йўқ бўлса йўқ-да. Ў. Шоимова ҳам ўжарлик қилиб, учта жойдан биттасини олаверса бўлмасмикан? Бу, албатта, бизнинг кўнглимиздан кечган гаплар. Лекин Тошкентда туриб олис тумандаги аҳволга юзаки баҳо бериш нотўғри. Бу орада Ў. Шоимовадан яна хат олдик. «Сизларга ёзган шикоятларим қониқарсиз қолиб кетмоқда. Туман ҳокимининг тошмехрлиги сабабли яна оиламиз бузилиб кетиши мумкин».

Ажабо, қайси бирига ишониш керак? Туман ҳокимининг гербли иш-қоғозга ёзган ҳатигами ёки шикоятчининг бир парча сарғайган қоғозга битган арзигами? Масалага аниқлик киритишни сўраб, яна туман ҳокимига мурожаат қилдик. Бу орада ёз тугаб, куз ҳам кирди. Ниҳоят, Жарқўрғон туман ҳокими Н. Шомуродовдан Ў. Шоимовага аризада кўрсатилган жойдан 0,10 га ер участкаси берилганлигини маълум қилувчи жавоб мактуби олдик. Унга Ў. Шоимованинг ўзи сўраган жойдан ер олганлиги, бунинг учун газета таҳририятига миннатдорчилик билдирган хати илова қилинганди. Ниҳоят, таҳририят назоратида турган хат орадан уч ярим ой ўтгач, ҳисобдан чиқарилди. Бу «Халқ сўзи»га келаётган минглаб хатлардан биттаси.

Жойлардаги ҳамма муаммолар таҳририятнинг ёзишмалари орқали ҳал бўлиб кетавермайди, албатта. Шундай ҳолатлар бўладики, масалани жойнинг ўзига бориб ўрганишга тўғри келади. Зеро, Қонуннинг 17-моддасида зарур ҳолатларда мурожаат жойнинг ўзида кўриб чиқилишини таъминлаш зарурлиги уқтирилган. Янгийўл туманидан келган шикоятни кўриб чиқишда таҳририят ходими бевосита жойнинг ўзига боришига тўғри келди. Хусусий тадбиркор 51570 килограмм ошқовоқни «Болалар таомлари» холдинг компаниясига етказиш бўйича шартнома тузган. 1,8 миллион сўмлик маҳсулот Янгийўлдаги филиалга топширилган. Шартномада тўлов ўн кунлик муддатда амалга оширилиши кўзда тутилган. Маълум бўлишича, маҳсулот ҳақининг ярми тўланган, қолган қисми қарздорлик бандида акс этган. Таҳририят аралашувидан сўнг компания Халқ банкининг Янгийўл бўлимига пул ўтказади. Банк эса нақд пул йўқлиги учун тўловни амалга оширмайди. Ниҳоят, таҳририят Марказий банкка мурожаат қилгач, хусусий тадбиркорнинг ҳақи саккиз йилдан сўнг тўланди.

Аслида бундай масалалар жойларнинг ўзида, таҳририят аралашувисиз ҳал бўлиши керак. Лекин одамлар мутасадди идораларга мурожаат қилиб, ишлари битмагандан кейин газета, радио ва телевидение таҳририятларига боришяпти. Бу даргоҳларда эса ҳамма муҳкулликлар ҳал бўлавермайди. Шу боис Ўзбекистон Республикасининг «Фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисида»ги Қонуни ҳамма жойда тўлақонли ишласа, одамларда кучли давлатдан кучли жамият қуришдек эзгу мақсадларимизнинг рўёбга чиқишига ишонч ошиб бораверарди.

Шухрат ЖАББОРОВ, «Халқ сўзи» газетаси бош муҳаррири ўринбосари

Тарки одат — амри маҳол.

А. ҲАКИМОВ чизган.

Mustaqil gazeta HURRIYAT

Ҳолат

Бундан ўн-ўн беш йил муқаддам кўплар оғиз кўпиртириб айтган, жамиятнию халкнинг иқтисодий аҳволини зумда ижобий томонга ўзгартириб юборадиган афсонавий сеҳрли таёқча — бозор иқтисоди шароитида яшашга уринмоқдамиз. Аён бўлдики, бозор муносабатлари ўрнатилмоқда дегани ҳали осмондан чалпак ёғилди, дегани эмас экан. Яъни, ҳар қандай тизимда мавжуд бўлгани сингари янги иқтисодий муносабатларнинг ҳам ўз мусбат ва манфий томонлари мавжуд. Гап ана шу мусбат томонларнинг имкон қадар кўпайишида...

"АЙБИМИЗ — МУЛК СОТИБ ОЛГАНИМИЗМИ?.."

Қонун кучлими ёки Муваққат Низом?

Нима ҳам дердик, бозор ўз номи билан бозор-да. Америка Қўшма Штатларидек тараққий этган давлатда ҳам йилига неча-неча корхоналар синиб, ўрнига янгилари вужудга келаркан. Бу эса эркин рақобат ривожланишига, маҳсулот ва хизмат турларининг кўпайишига хизмат қиларкан.

Албатта, "синиш", "банкрот бўлиш" атамалари бизда сал оғирроқ эшитилади. Балки бунга Қори Ишкамба жанобларининг юрак ёрилишига қадар олиб келган ваҳимали изитироблари сабаб бўлгандир?!

Ҳолбуки, биз истаймизми-йўқми, бозор иқтисодиёти аста-секинлик билан ўзининг шафқатсиз, темир қонунларини ҳаётимизга жорий этмоқда. Чунончи, айниқса, тадбиркорлар-у ишбилармонлар аҳли янги иқтисодий муносабатларнинг биз учун янги бўлган кўринишларини табиий ҳол сифатида қабул қилиш кўникмасига эга бўлиб бормоқдалар.

Бироқ айни жараёнда бозор иқтисодиёти шароитларига эндиэнди кўника бошлаган қавм сифатида айрим ўрта бўғин раҳбарлари баъзи бир ўзига хосликларини ҳам намоён этмоқдалар. Дейлик, бирор корхонани нақ жар ёқасига келтириб қўйган етакчи тасарруфидаги омонат мулкни ўзгага беришни истамайди: "Меники, тамом-вассалом!" Ҳатто бу мулк ўзгага сотилган, энди унинг эгаси бошқа ҳуқуқий ёинки жисмоний шахс бўлган эса-да, бир ёзувчимиз таъбири билан айтганда, "олти ойлик таътил олиб" бўлса ҳамки эринмай "ёқалашадилар". Тушунарлироқ шаклда айтадиган бўлсак, ё янги мулкдорни тўғридан-тўғри қувиб соладилар, ё бўлмаса адвокатлардан уч-тўрттасини ёллаб, шунақанги аччиқ ичакдек чўзиладиган суд жараёнларини бошлаб юборишадики, омад келиб қолса, ҳаммани, ҳаттоки судьяларни ҳам чарчатиб, бошини айлантириб ташлаб бўлса ҳамки, бу жараёнда бемалол ғолиб чиқиш ва ҳатто мулкни қонунан сотиб олган янги хўжайинни жавобгарга айлантириб юбориш мумкин бўлади.

Ҳикоямиз шунақа ғалати бир воқеа хусусида.

Баёнимиз қаҳрамонлари шундоқ ёнимизда яшашади, биз билан бир ҳаводан нафас олишади, тўй-маъракаларимизда бирга бўлишади, шу сабабли уларнинг исмларини ҳам ўзгартирмасдан, воқеани борича мухтасарроқ тарзда баён этишга ўтсак. Зеро ҳар икки, ҳаттоки уч томон ҳам икки йилдан кўпроқ давом этаётган мулк жанжалида мағлубиятни бўйнига олиб, кураш майдонини тарк этмаган, демакки, тортишув ҳали узо-оқ давом этиши эҳтимоли кўпроқ.

... 2001 йилнинг 12 сентябр куни эди. Вилоят "Андижоннома" газетасида "Диққат, ким ошди савдоси!" рукнида шапалоқдайгина эълон чиқади. Эълонки, мазмуни бундоқ: ***"19 сентябрда ўтказиладиган "Биржа" савдосига Избоскан туман Давлат солиқ инспекцияси томонидан савдога берилган Избоскан туман "Чуама" акциядорлик жамиятига қарашли асосий воситалар 72096 минг сўм бошланғич баҳода савдога киритилади..."***

Демак, воқеалар сал илгарироқ бошланган. Пайтдан фойдаланиб, иқтисодий атамалардан бехабарроқ юртдошларимизга қисқача изоҳ бериб ўтайлик. Андижон вилояти Избоскан тумани Чуама қишлоғидаги "Чуама" очиқ акциядорлик жамияти 2001 йилнинг июнь ойига келиб, солиқ ва бошқа мажбурий тўловлардан оз эмас, нақд 56 миллион сўмдан кўпроқ қарздор бўлиб қолади! Табиийки, буни аниқлаган туман солиқ инспекцияси бонг уради, давлатдан бунча қарзни тўлаб қўйишни талаб этади. Таассуфки, "Чуама"нинг чўнтагида, яъники ҳисоб рақамида шамол ўйнарди. Пул йўқ. Нима қилиш керак? Шунда Избоскан туман давлат солиқ инспекцияси амалдаги ҳуқуқий меъёрлардан келиб чиқиб, яъни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1996 йил 8 ноябрдаги 387-сонли қарори билан тасдиқланган "Солиқлар ва бюджетга мажбурий тўловлар бўйича муддатида тўланмаган солиқларни корхона ва ташкилотлар мол-мулки ҳисобидан ундириб олиш тартиби тўғрисида"ги Низомнинг тегишли бандларига асосан "Чуама" ОАЖга боқиманда қарзларни бир ой муддат ичида тўлаш шартлиги хусусида талабнома киритади.

Санацияга тушган, санация муддати 2001 йилнинг 27 августида тугаши лозим бўлган, шунга қарамасдан, очиқ акцидорлик жамиятига 1998 йил май ойидан бери раислик қилиб келаётган, айни пайтда санация жорий этилгандан сўнг ҳам ўзи ташқи бошқарувчи этиб тайинланган (?) М. Акбаров етакчилигидаги "Чуама"да маблағ йўқ эди. Белгиланган муддат ўтиб кетди, тўловлардан эса дарак йўқ.

Шу сабабли Избоскан туман давлат солиқ инспекцияси яна амалдаги қонунлар талабидан келиб чиққан ҳолда 2001 йилнинг 27 августида хўжалик судига боқиманда қарзини қарздорнинг мол-мулки ҳисобидан ундириш ҳақида суд буйруғи беришни сўраб, ариза тошириди.

Давлат ғазнасидан 56 миллион сўмлик қарздорлик — ҳазил гап эмас. Шу боис Андижон вилоят хўжалик суди раисининг ўринбосари Р. Л. Латифжонов 2001 йилнинг 31 августида қарздорнинг мол-мулки ҳисобидан боқиманда қарзни ундириш борасида Суд буйруғини чиқаради.

Шу ўринда "Суд буйруғи" атамаси ҳақида. Ўзбекистон Республикаси Хўжалик-процессуал кодексининг 102-моддасида шундай дейилади: ***"Суд буйруғи кредиторнинг пул суммасини ундириш ёки ундирувни қарздорнинг мол-мулкига қаратиш ҳақидаги аризаси бўйича судья чиқарган ҳужжатдир. Суд буйруғи ижро кучига эга..."***

Шундай қилиб, баён этилаётган ишда залворлигина суд буйруғи пайдо бўлди. Уни ижро этиш, яъни давлатга тўланмаган солиқни ундириш яна туман солиқ инспекцияси зиммасида эди.

Туман солиқ инспекциясининг масъул ходимлари "Чуама"да бўлдилар. "Чуама"нинг ишлаб чиқариш цехи, маъмурий бино ва автотранспорт воситалари хатланади. Суд буйруғи ижро этилиши керак. "Мулкларни хатлаш тўғрисида"ги далолатномага жамиятнинг ташқи бошқаруви раиси М. Акбаров ва бош ҳисобчи М. Қўзибоевлар ҳеч қандай эътирозсиз (эътибор беринг!) имзо қўйиб берадилар.

Мутахассислар чақирилди ва хатланган мулклар баланс қиймати бўйича ўттиз миллион сўмга яқин баҳоланди. Амалдаги тартибга кўра, ушбу мулклар биржа савдосига қўйиш учун қайта баҳоланганда 72 миллион сўмни ташкил этди.

Ана шундан кейингина биз юқорида тилга олган эълон "Андижоннома"да пайдо бўлди.

Бу — воқеанинг кириш қисми эди.

Белгиланган муддатда Республика кўчмас мулк биржаси Андижон филиалида савдо бўлиб ўтди. Юртимизда мулкдор бўламан, деб юрганлар ҳам бисёр экан. Шулардан биттаси, яъни "Умму-Муборак" масъулияти чекланган жамияти мазкур мулкни 72100000 сўмга сотиб олди.

Ҳа, агар ўшанда бу битим бошларига не бир савдоларни солишини, деярли икки йиллик сарсон-саргардончиликларга дучор бўлиб, натижада бор-будидан мосуво бўлишини билганларида эди, "Умму-Муборак"чилар биржа биносини етти чақиримни наридан айланиб ўтишлари аниқ эди. Афсуски, инсон олдиндан нима бўлишини била олмайди-да...

Алқисса, сотув амалга оширилди.

"Умму-Муборак"чилар беш дона автоулов, маъмурий ва цех биноси учун 72 миллион 100 минг сўм, биржа савдоси учун уч миллиондан кўпроқ; кадастр ҳужжатларини расмийлаштириш учун тўрт юз минг сўм, автоуловларга давлат рақами олиш учун икки ярим миллионча, ишқилиб, 80 миллион сўмга яқин маблағ сарфладилар.

Ҳужжатлар ҳаммаси рисоладигадек эди. Яъни, кўчмас мулкнинг кадастр ҳужжати, олди-сотди шартномаси, мулкка эгалик ҳуқуқини берувчи ордер ва ҳоказо...

Мана, биржа савдоси бўлиб ўтганига ҳам икки йилдан ошаяпти. Аммо "Умму-Муборак" ўзи қонунан сотиб олган мулкига ҳали бир соат бўлсин, эгалик қилолганича йўқ...

Энди воқеамизнинг оддий ўқувчи учун тушунарсизроқ қисми бошланадики, шу сабабли ҳаммасини борича, мавжуд далиллар асосида, эзмалик қилмасдан баён қилишга уриниб кўрамиз.

Ҳали айтганимиздек, ҳеч ким ўз мулкини шунчаки бериб қўйгиси келмайди. Суд буйруғини ҳеч бир эътирозсиз қабул қилган, мулк хатлашига тўсқинлик қилмаган "Чуама" очиқ акцидорлик жамияти раҳбарияти нимагадир бирдан судга мурожаат этиб қолади.

Энг ажабланарли томони, 2001 йилнинг 23 ноябрида, яъни биржа савдоси бўлгандан сўнг орадан икки ойдан кўпроқ (!) муддат ўтгач, Андижон вилоят хўжалик суди яна ўша раис ўринбосари Р. Л. Латифжонов имзоси билан Ажрим чиқаради. Бу ажримда айтилишча, қарздор суд буйруғидан норози бўлиб, судга "86-рақамли 2001 йилда" (қизиқ, қайси санада экан?) ариза тақдим этган. Бунданам ажабланарлиси, тўсатдан вилоят хўжалик суди Избоскан туман солиқ инспекцияси (ҳақдор) судга тақдим этган 16-рақамли аризани уни имзолаш ҳуқуқига эга бўлмаган шахс томонидан имзоланганини билиб қолади! Ана сизга замонавий Шерлок Холмслик! Мана шу ҳолатга асосан судья ўзи яқиндагина чиқарган суд буйруғини бекор қилади.

Қарздор бу ажримни байроқ қилиб кўтарганча турли идораларга чопа бошлайди. Бу ажримдан ҳайратга тушган Избоскан солиқ инспекцияси ходимлари ажримда тилга олинган ариза нусхасини кўтарадилар ва бу аризага ҳақиқатан ҳам ДСИ бошлиғи П. Мамажонов имзо чекканлигини тасдиқлаб, даолатнома ҳам тузадилар. 2001 йилнинг 29 ноябрида тузилган ва бош ҳисобчи, кадрлар инспектори, касаба уюшмаси қўмитаси раиси имзолаган ушбу далолатнома негадир суд тарафидан инобатга олинмайди.

Зеро, энди шикоятлар оқими аталмиш тўполон тўлқини йўлида турган тўғон олиб ташланганди...

Сезиб турганингиздек, бу ёғига энди аризабозлик, "ёза-ёз" бошланади. Аризабозликки, сира адоғи кўринмайди...

Мазкур иш бўйича жилд-жилд ҳужжатлар йиғилган. Уларнинг ҳаммаси билан танишиб чиқиш учун анча сабр-бардош талаб этилади. Шу сабабли, ўқувчини баъзи тафсилотлар билан таништириб, зериктириб қўймайлик, деган ниятда воқеаларнинг бундан кейинги ривожини янада мухтасарроқ тарзда ифодалашга уринамиз.

Суднинг ажрими асосида "Йиқилган курашга тўймас" қабилида иш юритишни бошлаб юборган "Чуама" ОАЖ энди биржанинг олди-сотди шартномаси бекор қилинишини сўраб, судга мурожаат этади.

Дарвоқе, эслатиб ўтиб кетайлик, худди шу пайтлари "Чуама"да ғалати кадр ўзгаришлари юз беради. Жамиятни жар ёқасига келтириб, санацияга тушган бўлса-да, ташқи бошқарувчилик қилиб келаётган М. Акбаров, ниҳоят, ишдан бўшайди. 2001 йилнинг 30 декабрида эса Ж. Абдуллаев "Чуама" ОАЖга ташқи бошқаруви раиси этиб тайинланади.

Енг шимариб ишга киришиб кетган янги раҳбар ишбилармонликнинг намунаси сифатида мулкка эгалик қилиш ҳақидаги ҳужжатларини кўтариб келган "Умму-Муборак" ходимларига... эшик қаердалигини кўрсатиб қўяди. Бу ҳали ҳолва экан. Мулкни эгасига олиб бериш учун борган ДСИ ходимларини менсимай қабул қилган Ж. Абдуллаев солиқчилар тақдим этган далолатномани ҳамманинг кўз олдида йиртиб ташлайди. Кейинроқ бўлиб ўтган суд мажлисларидан бирида жаноб раис ўзининг бу ҳаракатини шундай изоҳлайди: "Ҳаяжонланган эдим". Воажаб, бу қандай ҳаяжон эканки, унинг кучи расмий ҳужжатни майда-майда қилиб йиртиш-у давлат бюджети тўлиқ бўлиши учун ҳаракат қилаётган масъул ходимларни ҳақорат қилишга қаратилса...

Қисқаси, суд жараёни бошланди. 2002 йилнинг 2 майида Андижон вилоят хўжалик судида даъвогар "Чуама" ОАЖнинг даъволари кўриб чиқилди. Ҳайратланарли томони шундаки, мазкур судда "Умму-Муборак" МЧЖ ҳам Избоскан туман ДСИ, республика кўчмас мулк биржаси Андижон вилоят филиали қаторида жавобгар (!) сифатида иштирок этди.

Ҳам хизмат, ҳам туҳмат деганлари шу бўлса керак-да.

Ахир, "Умму-Муборак" МЧЖ мулкни сотиб олиб, пулини ўз вақтида тўлаган, бу билан бюджет тушумини таъминлаган бўлса, қўлида барча ҳужжатлари бўла туриб, ўзи сотиб олган мулкига эгалик қилолмаса-да, бунинг эвазига судда... жавобгар бўлиб турса?!

Ҳай, майли, ишқилиб судья Д. А. Мирзакаримов раислигида ўтган суд шундай қарор чиқарди: ***"Даъво қаноатлантирилмасдан рад этилсин".***

Бироқ масала бу билан ҳал бўлиб қолмади. Яъни даъвогар томон апелляция шикояти билан хўжалик судига мурожаат этди.

2002 йилнинг 5 июнида Андижон вилоят хўжалик судининг апелляция судлов ҳайъати И. Долимов раислигида нав-батдаги қарорни чиқарди: ***"Чуама" ОАЖнинг апеляция шикояти қаноатлантирилмай, Андижон вилоят хўжалик судининг 02.05.2002 йил ҳал қилув қарори ўз кучида қолдирилсин".***

Амалдаги қонунларимиз имкон беради, бу сафар қарордан норози бўлган даъвогар энди Олий хўжалик судига кассация шикояти билан мурожаат этади.

Бу гал ҳам уларнинг омади келмади. 2002 йилнинг 14 августида бўлиб ўтган Олий хўжалик суди кассация судлов ҳайъати даъвогарнинг важларини ассосиз деб топди: "Чуама" ОАЖнинг кассация шикояти қаноатлантирилмасдан қолдирилсин". Қарорда муҳим бир ҳолатга алоҳида эътибор қаратилди: ***"...рўйхатга олинган мол-мулклар "биржа" савдосида "Умму-Муборак" савдо корхонасига сотилган. ЎзР ФКнинг 229-моддасининг 2-қисмига кўра, агар мол-мулк суд қарорларини ижро этиш учун белгиланган тартибда сотилган бўлса, мол-мулкни талаб қилиб олишга йўл қўйилмайди. Ишдаги ҳужжатлардан кўринишича, мол-мулклар 2001 йил 19 сентябрда сотилган. 1-266-сонли суд буйруғи эса 2001 йил 23 ноябрдаги ажрими билан бекор қилинган. Яъни, мол-мулклар сотилган пайтда суд буйруғи қонуний кучга эга бўлган ва "Умму-Муборак" савдо корхонаси инсофли олувчидир. Демак, амалдаги қонунларга кўра, бу мулк олиб қўйилиши мумкин эмас".***

Ҳаммаси тушунарли, шундай эмасми? Демак, мулк ўзининг асл эгасини топди, "Умму-Муборак"чилар дўппиларини осмонга отсалар бўлади. Аммо...

Орадан уч ой ўтади ва 2002 йилнинг 5 декабрида республика бош прокурорининг ўринбосари Олий хўжалик судининг раёсатига протест киритади... Ушбу протест қисман қаноатлантирилиб, мазкур иш янгитдан кўриш учун яна Андижон вилоят хўжалик судига юборилади.

Андижон вилоят хўжалик судида 2003 йилнинг 29 апрелида бошланган суд жараёни 2003 йилнинг 18 июлида тугади. Шунча вақт, асаббузарликлар эвазига дунёга келган қарорда даъвогар "Чуама" ОАЖ даъвоси яна бир бор рад этилади.

Бироқ... 2003 йилнинг 19 сентябрида Андижон вилоят прокуратураси мазкур қарор бўйича протест келтиради. Шу ўринда қизиқ ҳолат: "Чуама"нинг янги раҳбари ёзган кўплаб шикоятлардан бири Андижон вилоят прокуратураси томонидан ўрганилган, натижада ўз вақтида "Суд қарорларини ўзгартиришга асос йўқ", дея вилоят прокурори ўринбосари А. Маматов имзоси билан жавоб берилган эди. Шоша-пиша тайёрланган протест имзо учун олиб кирилганда айни шу ҳолат ёдга тушган чоғи А. Маматов фамилияси устидан шундоқ чизиқ тортилиб, биринчи ўринбосар Н. Қурбонов имзоси қўйилади.

2003 йилнинг 22 октябрида Олий хўжалик судининг кассация инстанциясида кўрилган бу иш янгитдан биринчи инстанцияда кўриб чиқиш учун энди Наманган вилоят хўжалик судига юборилади.

Ниҳоят, 2004 йилнинг 10 февралида Наманган вилоят хўжалик судида Г. Аҳмедова раислигида бўлиб ўтган суд мажлисида ҳал қилув қарори янгради: "Даъвогар "Чуама" ОАЖ даъво талаблари қондирилсин..."

Шу билан — тамом, ишга қонуний нуқта қўйилди гўё... Шу чоққача ишни кўрган саккиз нафар судья даъводан асос топмай рад этганди, Олий хўжалик суди раёсати, яна уч нафар судьядан иборат ҳайъат чиқарилган суд актларини бекор қилса-да, янги қарор қабул қилишга шошилишмаган эди, бироқ Наманган вилоят хўжалик суди раиси ўринбосари Г. Аҳмедова даъвони қаноатлантиришга асос топди. Ҳал қилув қарорини чиқарди-ю, уни негадир дарҳол (!) ижрога қаратворди! Даъвони қаноатлантиришга Давлат солиқ қўмитаси Раиси ва Республика кўчмас мулк биржаси раиси томонидан тасдиқланган "Бюджетга боқимандалар ундириш бўйича корхоналар мулкини сотишда Давлат солиқ қўмитаси ва Республика кўчмас мулк биржасининг ўзаро ҳамкорлиги тўғрисида"ги Муваққат Низомнинг икки банди асос вазифасини ўтади. Қойил, демай илож йўқ. Қонунлару кодекслардан кўра икки ярим варақдан иборат Муваққат Низом қуввати баланд экан?!

Хўш, айни иш юзасидан ким ютқазди? Солиқ идорасининг йўқотадиган нарсаси йўқ — мулклар сотилган, пуллар бюджетга тушириллган; биржа эса ўша мулкларни сотиб берган. Мазкур икки идора ўртасидаги ҳамкорлик тўғрисидаги Муваққат Низомнинг қурбони эса — "Умму-Муборак" МЧЖ бўлди: биржага қўйилган мулкни сотиб олди, бор-буди, топган-тутганини шунга сарфлади, икки йилдан ортиқ емаган сомсага пул тўлаб, судларда юрди, тинка-мадори қуриди, судья Г. Аҳмедованинг бир зарб билан чиқарилган қароридан сўнг батамом "ўтирди": энди улар нари борса, икки йил аввал тўланган, аллақачон бюджетга тушиб, ишлатилиб кетган пулини қайтариб олиши мумкин. Бу — айтишгагина осон. Ахир, солиққа пул топшириш осон, солиқ идорасидан пулни қайтариб олишнинг ўзи бўладими?

Аудиторларнинг ҳисоб-китобларига қараганда, "Умму-Муборак" бу давр ичида маблағи "музлаб" ётгани, фаолият юритолмаётганлиги сабабли 336 миллион сўмликдан кўпроқ моддий зарар кўрган. Ҳатто судлашишлардан безор бўлган "Умму-Муборак" охирги суд жараёнларида ўзининг барча моддий ва маънавий зарарларини ундириш талабидан воз кечишга ҳам тайёрлигини, фақат тинчгина ишлаш учун шароит яратиб беришни, яъни ўзи сотиб олган мулкини ўзига қайтаришларини илтимос қилганди. Айни ҳолатни судья ўз қарорида "Қарши даъво аризаси бўйича "Умму-Муборак" МЧЖнинг моддий ва маънавий зарарни ундириш талабидан воз кечганлиги маълумот учун қабул қилинсин!" дея ўзгача талқин билан алоҳида таъкид этдики, республика номидан қарор чиқарган мансабдор билиб-билмай Давлатга зарар етказиб қўймай, деган истиҳолага борган бўлса, эҳтимол... Бироқ ўша зарарни ким етказмоқда? Томонлар ўзларининг ҳақ эканликларини исботлашга шу қадар жон-жаҳдлари билан киришиб кетганларки, ҳатто "ишлайман" деган одамни эшитишга ҳам тоқатлари йўқ. "Чуама" ОАЖнинг аҳволи эса бундан баттар бўлса баттарки, асло яхши эмас. Эндиликда солиқ ва мажбурий тўловлар бўйича қарзи юзлаб миллионларни ташкил этмоқда...

Хўш, воқеанинг бундан кейинги ривожи қандай бўлади? Ҳеч бўлмаса, мутасадди ўртоқлар бунга аниқ жавоб беришар? Ахир, сансалорлик, сарсон-саргардонлик, охири йўқ суд жараёнлари қачонгача давом этади? Ахир, ишлайман деб турган одамларга шароит яратиб бериш лозим эмасми?

Саволлар кўп. Жавоб-чи?

Турсунали АКБАРОВ

Тарих

ТОШЛАР СЎЗЛАГАНДА...

Соҳибқирон отаси Тарағай Баҳодирнинг қабри қаерда?

Қадимий ва табаррук Шаҳрисабз замини ғоят қутлуғ маскандир. Жаҳон маданияти бетимсол намояндаларининг зуваласи мана шу тупроқдан олинган. Хуснав Деҳлавий, Мирзо Бедил, Мирзо Ғолиб каби алломаларнинг ота-боболари худди шу жойда камол топганлар. Лекин бу эл-юртни бутун жаҳонга машҳур этган, донғини таратган зот, шубҳасиз, Соҳибқирон Амир Темур бобомиздир.

Ислом КАРИМОВ

Она-Ватанимиз бой тарихга, буюк алломаларга, сон-саноқсиз ёдгорликларга эга бўлган муқаддас тупроқдир. Унинг гўзал гўшаси Шаҳрисабз ҳам бу борада шодадаги гўзал маржон кабидир. Кейинги йилларда Шаҳрисабз шаҳрининг Амир Темур ва темурийлар давридаги тарихий топографиясини аниқлаш, ўз даврида шаҳар тарихида алоҳида аҳамият касб этган шахслар фаолиятини ўрганишда Халқаро "Олтин мерос" жамғармаси, Президент ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиш академияси, Янги тарих маркази, Фанлар академияси Археология институти ҳамда Ўзбекистон Миллий университети Тарих факультети илмий ходим ва мутахассислари билан ҳамкорликда қатор илмий-археологик тадқиқот ишларини амалга оширмоқда. Натижада 2002 йилда шаҳарнинг Таги чинор маҳалласидан XV-XVI асрларга оид қабр ва қабртошлар ўрни топилди ва ўрганилди. Қабртошлардан бири юксак сангтарошлик санъати намунаси бўлиб, Амир Темурнинг набираси Умаршайх Мирзонинг ўғли Саййид Аҳмад Мирзога тегишли экани ойдинлашди.

Тарихий манбаларда Саййид Аҳмад Мирзо ҳақида кўплаб маълумотлар учрайди. Хусусан, Шарафиддин Али Яздийнинг "Зафарнома"си, Хондамирнинг тарихий асарлари, Фосиҳ Ҳавофийнинг "Мужмаи Фосиҳ", Абдураззоқ Самарқандийнинг "Матлаъ ус-саъдайн ва мажмаи баҳрайн" асарлари шулар жумласидандир.

Тошдаги битикларга асосланиб, тарихда Саййид Аҳмад амир унвони билан танилганига ишонч ҳосил қилиш мумкин. Тарихий манбалар амирзода Умаршайх Мирзонинг бешинчи фарзанди экани ҳамда милодий 1391 йилда туғилиб, 1429 йилда дунёдан кўз юмгани хусусида маълумот берсада, унинг қаерда ва қай ҳолда вафот этгани ҳақида маълумот учрамайди. У Шоҳруҳ Мирзо ҳукмронлиги замонида унинг тасарруфидаги ерларда хизмат қилган.

*Аксарият олимларимиз шайх Шамсиддин Кулол ёки Тарағай Баҳодирнинг даҳмаси хусусида турли фикрлар билдирадилар. Баъзи олимлар Тарағай Баҳодирнинг жасади 1370 йилда шайх Шамсиддин Кулол мақбарасига кўчирилганини эътироф этадилар. Зеро, Али Яздийнинг "Зафарнома"сида Амир Темурнинг 1396 йилда Хуросондан Моваройннаҳрга қайтиб, Кешга келгани хусусида шундай дейилади: **"Кеш вилоятига келиб, ўзи солғон кўшкда тушти. Ва тонгласи отлануб, мутабаррук мозорларнинг тавофига борди. Аввал Шайх Шамсуддин Кулол мозорига бориб тавоф қилди ва андаги мужовирлари била фақиру мискинларга кўп садақалар берди. Андин отаси Тарағайбекнинг мозорига ва ўғли Мирзо Жаҳонгир ва қариндошларининг мозорларига бориб тавоф қилди".***

Ушбу манба орқали уларнинг мозорлари алоҳида бўлгани тўғрисида маълумотга эга бўлишимиз мумкин. Бу хусусда Муҳаммад Бадеъ Малеҳонинг маълумотлари фикримизни яна бир карра тасдиқлайди. Унга кўра, Шаҳрисабзда Жума Доре масжидида Мирзо Улуғбек асос солган хонақоҳ бўлган. Ҳазрати Шайх Кулол мозори унинг ёнида. Тарағай Баҳодирнинг гўрхонаси шу мадрасанинг ичида жойлашган.

Дор ут-тиловат мажмуасидаги мақбара, хонақоҳ ва мозорларни шу тариқа таҳлил этадиган бўлсак, янги очилган даҳма Тарағай Баҳодирники бўлиши эҳтимолдан холи эмас.

Кеш — Шаҳрисабз XIV-XVI асрларда дунё аҳлининг илм ва зиё марказига айланади.

*"Илм ва одоб қуббаси" сифатида шуҳрат тутган Шаҳрисабзга бошқа юртлардан толиби илмларнинг келиши Амир Темур салтанати йилларидаги воқеликдир. Яқинда шаҳарнинг "Гулистон" маҳалласидаги ҳовлилардан бирида "Олтин мерос" жамғармаси фаоллари томонидан топилган қабртош юқоридаги фикримизни яна бир карра тасдиқлади. Қабртошда: **"Мазкур марқад олийжаноб имом, ислом машойихларининг пешвоси, барча инсонлар учун ибратли, ислом аҳлининг Ҳаж ва Умра ибодатини адо этганларнинг энг фахрлиси, улуғ алломаларнинг устози, тасаввуф аҳлининг раҳнамоси, ер юзидаги инсу жинслар ифтихор қиладиган, Аллоҳдан тилаган тилаклари ижобат бўладиган шайхулислом, Хожа Абдураҳмон ал-Ансорийникидир. У киши ҳижрий 840 (милодий 1436) йилнинг жумод-ул увло ойининг 5-, пайшанба куни эрталаб қуёш чиқар маҳал вафот қилган эдилар. Аллоҳ таоло ул зотни ўз раҳматига олган бўлсин"** сўзлари битилган.*

Мазкур қабртош ҳовли эгалари қурилиш олиб бораётган маҳалда топилгани боис, кенг кўламда археологик тадқиқотларни амалга ошириш имкони бўлмади. Кичик қазишма ишлари давомида қабртош ўрнида унга тегишли қабр йўқлигини билдик. Аммо унинг ёнида яна бир қабртош борлиги аён бўлди. Бу қабртошдаги ёзувлар яхши сақланмагани боис, ҳозирча тўлиқ ўрганилгани йўқ. Фақат унинг биринчи қабртошдан 8 йил кейин қўйилгани аниқланди.

Қабртошлар топилган жойдан 12-13 метрлар чамаси ғарб томонда, X-XIX асрларга оид йирик қабристон мавжуд. Тадқиқотлар натижасида қабртошлар шу қабристондан келиб қолган, деган фикрга келдик. Кузатишлар қабртош топилган ҳудудда XX асрнинг 30-йилларига қадар X-XIV асрларга оид масжид мавжуд бўлганини кўрсатди. Қўшни ҳовлининг жанубий девори остидан қадимий ғиштлар тахламига дуч келинди.

Қабристон ва масжид тарихий ёдгорликлар рўйхатига ҳам, шаҳар меъморий харитасига ҳам киритилмаган. Шу маҳаллада яшовчи 75 ёшли Каромат момо ва Лутфулло боболар қабристон Хожа Мирҳомид номи билан юритилгани, илгари маҳалла номи ҳам шундай аталганини сўзлаб бердилар.

Мустақиллик йилларига қадар ҳозирги "Абдушукур Оғолик" масжиди янглиш равишда Хожа Мирҳомид номи билан атаб келинган. Кейинчалик масжид деворидаги ёзувлар таҳлил этилиб, унинг асл номи тикланди. "Хожа Мирҳомид" масжиди эса ундан 150 метр ғарбда жойлашгани аниқланди.

Шаҳарнинг тарихий топографиясини чуқур ўрганган М. Е. Массон, Г. Пугаченкова ва З. Усмоновалар мазкур ҳудудни XIV-XVI асрларда зиёли ва уламолар маҳалласи бўлганини эътироф этадилар. Қабристон кенгроқ ўрганиладиган бўлса, бу ердан Амир Темур ва темурийлар даврида яшаган кўплаб тарихий аждодларимиз ҳақида, шаҳардаги энг қадимий масжид тўғрисида қимматли маълумотларга эга бўлишимиз мумкин.

Шайхулислом Хожа Абдураҳмон ал-Ансорий ҳақида ҳозирча тўлиқ маълумотларга эга эмасмиз. Олиб борилган изланишлар тарихимизда кўплаб Ансорийлар мавжудлигини кўрсатди. Хусусан, ЎзФА Қўлёзмалар институти фондида Абу Жаймул ал-Ансорий, Закариё ибн Муҳаммад Абу Яҳё ал-Ансорий, Тоҳир ибн шайхулислом Қосим ибн Аҳмад Ризо ал-Ансорий, Абдулқодир ибн Абуссвадат ал-Моликий ал-Ансорий, Абдуллоҳ ибн Муҳаммад ибн Исмоил ал-Ансорий, Абдулмалик ибн Абдул Ғафур ал-Ансорий, Али Ҳусайн ал-Ансорий (Ҳожи Зайнул Аттор), Умар ибн Қосим ибн Муҳаммад ал-Ансорий қаламига мансуб асарлар сақланади.

Маълум бўлишича, Пайғамбаримиз Муҳаммад Мустафо саллаллоҳи алайҳи васалламнинг Маккадан Мадина шаҳрига ҳижрат қилишларида қўмак кўрсатганларга Ансорий нисбаси берилган.

Айнан Абдураҳмон ал-Ансорий шахсига келсак, Али Яздий маълумотларига асосланган В. Бартольд 1404 йилнинг қишида Қорабоғ сафари чоғида самарқандлик ва кешлик алломалар Темурнинг ёнида бўлганини, Саййид Барака, термизлик ва самарқандлик шайхлардан ташқари кешлик Хожа Афзал ва Кеш шайхулисломининг ўғиллари Абдул Ҳамид ва Абдурраҳмонларнинг ҳам ҳозир бўлгани ҳақида айтиб ўтади.

Топилган қабртош Али Яздий маълумот берган тарихий шахсларнинг бири Абдураҳмонга, шунингдек, манбадаги Абдул Ҳамид исми юқорида қайд этилган қабристон ва масжид номига алоқадор бўлиши эҳтимолдан холи эмас. Ишонамизки, кейинги тадқиқотлар барча тахминларга ойдинлик киритади.

Қадим юртимиз тарихининг ҳали ойдинлик киритилмаган, ўрганишга муҳтож саҳифалари ўз тадқиқотчиларини кутиб ётибди. Бу борада нафақат тарихчилар, балки ҳар бир фуқаро, ҳар бир зиёли, миллатпарвар инсон ўз муносиб улушини қўшмоғи керак. Зеро, тарихни ўрганишдаги ҳар бир ҳаракат ўзликни англаш сари қўйилган ибратли қадамдир.

Амиркул КАРИМОВ,
"Олтин мерос" халқаро хайрия жамғармаси раиси,
Баҳодир МАМАДИЕВ,
жамғарманинг Шаҳрисабз туман бўлими раҳбари

СИРДАРЁДА НИМА ГАП?

(Боши 1-бетда)

Шу хусусда ўйлаганимда кўпинча эсимга Мирзаобод туманидаги 21-мактаб ҳовлисида бўлган бир учрашув тушади. Вилоят ҳокими билан бўлган бу учрашувга чол-кампирлар одатдагидан кўпроқ йиғилишганди. Шивир-шивирлардан бир нарсани англаб қолдим: улар ўз дардларида — нафақаларнинг вақтида тўланмаётганлигини айтиш мақсадида келишган. Туман ҳокими учрашувни очаётганда бир отахон қўл кўтарганди, бошқалари гапиргани қўйишмади: "Шошмай тур, каттаси чиқсин!" Вилоят ташкилотлари раҳбарларидан бири гапираётганда ҳам икки-учта аёл ғимирлаб қолишувди, уларниям тўхатишди: "Шошманглар, энг каттаси чиқсин!" Ниҳоят, микрофонни вилоят ҳокими қўлга олди. Ҳамма сергак тортди. "Ҳозир бошланади!" ўйладим мен. Аммо...

— Отам мени сўкди! — деди ҳоким.

Чол-кампирлар анграйиб қолишди: катта ҳокимни сўкадиган одам ҳам бор экан-а! Э, дарвоқе, отам деяпти-ку, ота болани сўкиши мумкин! Қизиқ, нима деб сўкдийкин-а?

— Отам икки ойдан бери пенсиясини олмаётган экан, — сўзида давом этди катта ҳоким. — Шунга "Ҳоким бўлатуриб нега пенсияларни вақтида бердирмаяпсан?!" деб қаттиқ олди. Мен отамга тушунтирдимки...

Ҳа, катта ҳоким отасига жуда жўяли ва батафсил тушунтирибди: пенсияларни тўлаш учун пул бўлиши керак экан, пул бўлиши учун эса барча баробар, сидқидилдан меҳнат қилиши керак экан. Юз ғектар ер олган фермер ҳам, ўн сотихгина томорқаси бор фуқаро ҳам, чорвадор ҳам, ишчи ҳам астойдил ишлаши керак экан. Инсофли бўлмасдан, мавжуд қонун-қоидаларга амал қилмасдан туриб яхши ҳаётга эришиб бўлмаскан. Меҳнатчилар ҳар хил маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кўпайтирмаса, бу ёқда баъзи бир ноинсофлар кўпчилик ризқи бўлган пахтани қозоғистонликларга пуллаб юборишаверишса, тадбиркорлар топаётган фойдаларининг белгиланган қисмини давлат кассасига топшириш ўрнига яширишга ёки текширувчиларнинг чўнтакларига тиқишса, маош-у нафақалар учун пул осмондан тушадими?!..

— Хўш, жон қ

Дараклар

ПУТИН БОШ ВАЗИР НОМЗОДИНИ ЭЪЛОН ҚИЛДИ

Россия Федерацияси Президенти Владимир Путин мамлакат Бош вазири лавозимига кутилмаганда мутахассис ва таҳлилчиларнинг хаёлига ҳам келмаган мансабдор — ҳозирда Россиянинг Европа Иттифоқидаги вакили бўлиб хизмат қилаётган Михаил Фрадковни тавсия этди.

Путин янги номзодни эълон қилар экан, унинг ҳам иқтисодий-сиёсий бошқарувда, ҳам хавфсизлик тизимида фаолият юритганини таъкидлади.

Михаил Фрадков 1997-98-йилларда Ташқи иқтисодий алоқалар вазири, 1999-2000-йилларда Савдо вазири, 2000-2001-йилларда Россия Федерацияси Хавфсизлик Кенгаши котибининг 1-ўринбосари, 2001-2003-йилларда Солиқ полицияси бошлиғи лавозимларида хизмат қилган.

Владимир Путин Дума Раиси Борис Гризлов номига ҳукумат раҳбари номзодини тасдиқлашни сўраб мактуб ёзди. Хабарларга қараганда, Думанинг қуйи палатаси бир неча кун давомида Фрадков номзодини муҳокама қилади ва 5 март куни ўз хулосасини билдиради.

БМТ ГАИТИГА ҚЎШИН ЮБОРМОҚДА

БМТ Хавфсизлик Кенгаши Гаити Республикасига халқаро тинчликпарвар кучларни юбориш тўғрисидаги резолюцияни қабул қилди.

Кўпдан буён тартибсизлик ва уруш ҳаракатлари давом этаётган мамлакатга қўшин юбориш тўғрисидаги қарор ХКнинг 15 аъзоси томонидан бир овоздан маъқулланди. Хусусан, Бош котиб Кофи Аннан гаитиликларни халқаро ҳамжамият унутмагани ва уларга ёрдам кўрсатилишини таъкидлади.

Вашингтон маъмуриятининг билдиришича, Америка қуролли кучларига қарашли кичик ҳарбий гуруҳ ҳозирда Гаитига етиб борган. Яқин кунларда Франция ва Канададан ҳам тинчлик қўшинлари келиши кутилмоқда.

Хабарларга қараганда, айни вақтда Гаитида тартибсизлик авж олган, исёнчилар пойтахт Порт-о-Пренсни ғорат қилишмоқда. Президент Жан-Бертрон Аристид эса қўзғолончилар талаби билан мамлакатни ташлаб чиқиб кетган ва Марказий Африка Республикасига йўл олган.

МАХСУС ГУРУҲ БИН ЛОДИН ИЗИГА ТУШДИ

Оқ уй маъмурияти "Ал-Қоида" ташкилоти раҳбари Усама бин Лодиннинг тез кунларда қўлга олинажагини, бу йўлда махсус режа ишлаб чиқилганини эълон қилди.

Биринчи рақамли террорчи ҳозирда Афғонистон-Покистон чегарасидаги ғорларга яширингани тахмин қилинмоқда. Айни вақтда Марказий Разведка бошқармаси ходимларидан ташкил топган 121-махсус гуруҳ чегара ҳудудида қидирув операцияларини олиб бормоқда. Қидирув ишларига яқиндан бошлаб Покистон ҳукумати ҳам ёрдам бермоқда. Президент Парвез Мушаррафга қарши икки бор суиқасд амалга оширилган, Покистон раҳбари ҳам террорчиларга қарши курашга катта эътибор бера бошлади. Кузатувчилар бин Лодинни топиш йўлидаги махсус режа айни сайлов арафасида қабул қилинганига эътибор қаратишмоқда. Уларнинг фикрича, президент Жорж Буш сайлов олдидан биринчи рақамли террорчини тутиб, тарафдорларини янада ғалаба қозониш имкониятини оширмоқчи.

"ОСКАР" ТАРИХИДАГИ РЕКОРД НАТИЖА

АҚШда энг яхши кинофильмлар учун "Оскар" мукофоти тақдимоти бўлиб ўтди.

Тақдимотда режиссёр Питер Жексон томонидан суратга олинган "Узуклар ҳукмдори: Қиролнинг қайтиши" фильми рекорд натижа қайд этиб, 11 йўналишда "Оскар"га лойиқ деб топилди.

Кино тарихида биринчи бўлиб "Бен Хур" фильми 11 номинацияда олий мукофотга сазовор бўлганди. 1998 йилда "Титаник" ижодкорлари ушбу рекорд натижани такрорлашга муваффақ бўлишганди. Бу сафар П. Жексон бошчилигидаги ижодий гуруҳ энг яхши режиссура, мусиқа, қўшиқ, монтаж, грим, либос, сценарий ва бошқа йўналишларда "Оскар" мукофотини қўлга киритди.

87 МИЛЛИОН ДОЛЛАРЛИК КОМПЬЮТЕР

Испания ҳукумати Европада энг қудратли суперкомпьютер яратиш режасини дунёга маълум қилди.

Суперкомпьютер мамлакатнинг техника ривожланган ҳудуди — Каталониядаги тиббиёт муассасасига ўрнатилади. Дастлабки ҳисоб-китобларга қараганда, замонавий технологияни яратиш учун 87 млн. доллар маблағ ва 4 йил муддат керак бўлади. Суперкомпьютерда 18 минг шахсий компьютер хотира ҳажми жамланади. Янги машина хотира ҳажми 9 терабайтни ташкил этади.

Испания Фан ва технологиялар вазири Хуан Костанинг таъкидлашича, суперкомпьютердан, энг аввало, касалликларга қарши самарали кураш йўлида фойдаланилади ва ана шу улкан машина асосида кейинроқ миллий тадқиқот маркази ташкил этилади.

ФРАНЦИЯ МАҲСУЛОТЛАРИГА ТАҚИҚ

АҚШ ҳукумати Францияда тайёрланган гўшт маҳсулотларини мамлакатга олиб киришни тақиқлаб қўйди.

Расмийларнинг билдиришича, ҳукуматнинг бундай қарорга келишига Франция озиқ-овқат маҳсулотлари санитария қоидаларига зид равишда тайёрланаётгани сабаб бўлган. Вашингтон томонининг тақиқи француз раҳбариятида норозилик уйғотди. Мамлакат Қишлоқ хўжалик вазири Эрве Геймар Франция гўшт маҳсулотларига қўйилган чеклов мутлақо асоссиз эканини билдирди.

Бундан сал аввалроқ Европа Иттифоқи Техасда парранда гриппи тарқалиши муносабати билан АҚШдан парранда гўшти келтиришни чеклаб қўйганди. Шу сабаб, айрим кузатувчилар Франция маҳсулотларига қўйилган чекловни АҚШнинг Европа давлатларига жавоби сифатида баҳолашмоқда.

Абдул СОБИР
тайёрлади

Нигоҳ

БУШ ОТАСИНИНГ МАҒЛУБИЯТИНИ ТАКРОРЛАШИ МУМКИН



NBC телеканалининг "Матбуот билан учрашув" дастурида намойиш этилган Президент Жорж Буш билан суҳбат ажойиб театр томошаси бўлди. Теледастур бошловчиси Тим Рассерт билан бўлган суҳбатнинг биринчи қисмида президент бироз хижолатли кўринди, гўё мусоҳибидан қўрқаётгандек...

Лекин нима бўлганда ҳам, Буш ўз позициясига содиқ қолди: гарчи оммавий қирғин қуроли топилмаган бўлса-да, Ироқ уруши оқланди. "Мен разведка маълумотларига асосланиб қарор қабул қилдим. Бу террорга қарши уруш эди", — деди у. Гарчи Ироқ урушига ҳеч қандай алоқаси бўлмаса ҳам, президент ҳар доим террорга қарши уруш хусусида такрор-такрор сўзлайди, сайловчилар ишончини қайтариш учун турли сабаб-баҳоналар келтиради. Аслида бу вазиятда Саддам Ҳусайн оммавий қирғин қуролига эга бўлган-бўлмагани муҳим эмас — Буш томонидан қабул қилинган қарорлар мажбурий эди ва унга барча қўшилиши шарт эди. Буш, ўзи бир неча бор таъкидлаганидек, "ҳарбий президент". Буни унутмаслик керак.

Ғалати жиҳати шундаки, Буш бундан 12 йил аввал отаси йўл қўйган хатоларни тузатиш учун ўлиб-тирилиб ҳаракат қилаётган бўлса-да, катта Буш маъмурияти камчиликларини айнан такрорлаяпти. Президент ва унинг бош сиёсий маслаҳатчиси Карл Роув АҚШнинг 41-президенти (катта Буш) йўл қўйган жиддий хато сифатида унинг Республикачилар партияси сиёсий асосларидан узоқлашиб кетганини айтишади. Катта Буш солиқларни оширди, кичик Буш эса уларни қисқартирмоқда. Консерваторлар катта Бушга ишонишмади, кичик Буш эса улар ишончини қозониш учун курашяпти. Лекин шундай бўлса-да, амалдаги президент яна барибир отаси аҳволига тушиб қолмоқда. Хўш, нега бундай бўляпти? Гап шундаки, катта Буш Американинг энг қудратли кучи саналган ўрта тоифа вакиллари қўллаб-қувватламагани сабабли мағлуб бўлди. Ўрта тоифа катта Буш даврида иш ўрни, соғлиқни сақлаш тизими, пенсия таъминоти ва турар-жой масаласида муаммоларга дуч келди. Шу сабабли, улар 1992 йилги сайловларда сиёсат борасида тенгсиз арбоб саналган, лекин ички сиёсатни ончалик ҳам қойиллатмаган катта Бушга овоз беришмади.

Кичик Буш ҳам ҳозир айнан отасининг аҳволига тушиб қолган. Агар америкаликларга уруш президенти керак бўлганда эди, шубҳасиз, Буш бунга энг муносиб номзод эди. Бироқ Ироқда оммавий қирғин қуроли қидирувида бирор кўзга кўринарли натижа бўлмаётган бир пайтда аксарият сайловчилар ўз-ўзларига савол беришяпти: умуман, шу уруш керакмиди ўзи? Шубҳасиз, Саддам Ҳусайн аҳдарилганидан барча америкаликларнинг кўнгли тўлди. Лекин халқни ташвишга солаётган жиҳатлар ҳам йўқ эмас. Журналист Рассерт президент билан мулоқотда ана шуларга ҳам тўхталиб ўтди. "Дунёда Эрон, Шимолий Корея, Бирма раҳбарлари ва яна Фидель Кастрога ўхшаш якка ҳукмдорлар кўплаб топилади. Лекин биз уларни ҳам худди Саддам Ҳусайн каби аҳдариб ташламаяпмиз-ку?"—деди журналист. Бироқ бу саволга президент жўяли жавоб беролмади, "Ҳар бир вазият турлича ёндашувни талаб этади", деган умумий фикрдан нарига ўтмади.

Ҳозир Жорж Буш ва унинг сиёсий маслаҳатчиси Карл Роув терроризмга қарши уруш мақсади билан халқ онгини чалғитишга ҳаракат қилишмоқда. 2002 йилда улар айнан хавфсизлик масаласига катта эътибор беришгани боис демократлар устидан ғалаба қозонишганди. Бу сафар ҳам улар ана шу усул қўл келишига ишонишяпти. Бироқ вазият улар кутгандек бўлмаяпти. Хусусан, ўтган ойда Буш боши берк кўчага кириб қолди. 11 сентябрдан кейин юқори шуҳрат чўққисига эришган президентнинг рейтинги кескин тушиб кетди. Уч йил давомида иш ўринларининг тинимсиз қисқариши, иш ҳақи кўрсаткичининг камайиши ўрта тоифанинг президентга бўлган ишончини сусайтирди. Буш эса ана шундай вазиятда ўзининг ҳарбий президент эканини урғуламоқда. Агар у сайловда ҳам айни шу жиҳатдан ғалаба қозонишига интилса, отасининг мағлубиятини такрорлаши ҳеч гап эмас.

The Washington Post

Ташриф

"ЎзБАТ"ДА ФАОЛИЯТ САРҲИСОБИ

"Бритиш Американ Тобакко п.л.с." тамаки компаниясининг бошқаруви аъзоси, Европа мамлакатлари бўйича етакчиси жаноб Бен Стивенс мамлакатимизга ташриф буюрди. Бундан кўзланган мақсад 2001-2003 йилларда биргаликда қилинган ишлар натижаси билан танишиш, ҳукуматнинг компания билан ҳамкорлик алоқаларини ўрнатишдаги янги режалари, келажакда инвестицион дастурларни давом эттириш ҳамда ўзаро ҳисоб-китоб ва солиққа тортиш масалаларини муҳокама қилишдан иборат эди.

Ташриф доирасида жаноб Стивенс Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, Самарқанд вилоят ҳокимияти, "ЎзБАТ" АЖ қўшма корхонасининг Тошкентдаги бош офисида бўлиб, мутасадди идоралар вакиллари ва журналистлар билан қатор учрашувлар ўтказди. Шунингдек, жаноб Стивенс Самарқанд сигарета фабрикаси ва Ургут ферментация заводи фаолияти билан яқиндан танишди ҳамда тамаки маҳсулотларини таёрлаш ва сотиш жойларини бориб кўрди, компания ходимлари билан суҳбатлашди.

"ЎзБАТ" қўшма корхонаси 1994 йилда Ўзбекистонда тамаки саноатининг хусусийлаштирилиши жараёнида ёпиқ турдаги акциядорлик жамияти сифатида ташкил этилган эди. Бугунги кунда юртимизнинг йирик шаҳарларида фаолият кўрсатаётган қўшма корхонанинг 12 филиалида 22 турдаги маҳсулот ишлаб чиқарилмоқда. "ЎзБАТ"да қарийб 2000 нафар доимий ва мавсумий ишчилар меҳнат қилишмоқда.

1994 йилдан бери компания Ўзбекистон иқтисодиётига 292,4 млн. АҚШ долларидан ортиқроқ инвестиция киритди. Ташкил этилганидан буён ўтган вақт мобайнида қўшма корхона Ўзбекистон бюджетига 460 миллион АҚШ долларидан зиёдроқ ҳар хил турдаги тўловлар ва солиқлар тўлаган.

2004 йил январь ойида "Бритиш Американ Тобакко п.л.с."нинг Европа минтақаси бўйича ҳудудий директори этиб тайинланган жаноб Бен Стивенс раҳбарлигидаги делегация аъзолари икки кунлик ташриф давомида қўшма корхона фаолияти билан яқиндан танишди, тегишли тавсиялар беришди. Эслатиб ўтамиз, Бен Стивенс компаниянинг Ғарбий ва Шарқий Европа, шунингдек, МДҲ давлатларидаги ваколатхоналарига раҳбарлик қилади. Мазкур минтақавий бўлимнинг йиллик операцион фойдаси 547 миллион фунт стерлингни ташкил этади.

М. АБДУРАСУЛОВ,
"Hurriyat" мухбири

Юзма-юз

"ЁЗМАСАМ, ЧИЗМАСАМ ТУРОЛМАЙМАН"

Нурхон опа ана шунга одатланган

Бир кишида икки ёки учта қобилиятнинг мужассам топиши камдан-кам учрайдиган ҳодиса ҳисобланади. У тағин мутлақо бошқа касбнинг эгаси бўлса... Математикнинг рассом бўлишига ҳайратланмаса бўлади. Рассомнинг шоирлигига ҳам кўникканмиз. Зоо- техникдан буюк ёзувчи чиққанлигини инкор этолмаймиз... Сирли коинот каби ҳазрати инсон ҳам сирли-синоатли. Лекин...

Лекин бизнинг Нурхон опа бўлакча. Бўлакчалиги шундаки, у ҳам шоир, ҳам рассом. Лекин на шоирликни даъво қилади, на рассомликни. Асли касби эса ўқитувчи — география муаллими. Айни пайтда Тошкент метрополитенида ишлайди. Ишлаганда ҳам "Ҳамза" бекатида.

Ана шу опани бугун суҳбатга тортдик.

— Қизиғи оилада 5 киши муаллиммиз. 3 киши географ, 2 киши филолог, — дейди Нурхон опа Сарсенова. — Бизни ўқитувчилар оиласи, дейишади. Энг қизиғи шундаки, "Ўқитувчи" романини ёзган Парда Турсун онамнинг тоғаси бўлади. Шунданми, қон-қариндошлар ичида ўқитувчилар кўп.

— Сизда Сизнингча қайси бири устунлик қилади: шоирликми, рассомликми?..

— Менинг ҳеч қачон шоир бўламан, рассом бўламан, деган мақсадим бўлмаган. Шу боис китоб ҳам чиқармаганман. Кўргазма ҳам ташкил этмаганман. Лекин ёзишдан, чизишдан ёшим ўтаётган бўлса-да, сира бўшамайман. Кейинги пайтда рассомликка кўп вақт ажратаётгандекман. Портретлар чизаяпман, чизганларимнинг деярли ҳаммасини совға қиламан. Ёзганларимни ҳозирча тахлаб қўйганман. Вақти келиб қолар. Улар мен учун кўнгил иши. Ҳеч ким мени ёз деб, чиз деб мажбур қилмайди. Лекин ёзмасам, чизмасам, туролмайман.

— Биринчи чизган расмингизни эслайсизми?

— Бўлмасам-чи. Худди кечагидек ёдимда. Акам Ботир (Аллоҳ раҳмат қилсин) расмни жуда кўп чизардилар. Менга ана шу акамдан «юққан» бўлса керак. Расмни акамнинг вафотидан кейин чиза бошладим. Биринчи расмим акамнинг портрети эди.

— Ижодингиздаги энг сўнгги янгилик?

— 5-синф қозоқ болалари дарслигига мўлжалланган 30 га яқин расмларим танловда ғолиб чиқибди. Кечагина ана шу ҳақда айтишди. Ва бу, шубҳасиз, мени беҳад шодлантирди.

— Одамдаги қайси иллатнинг буткул йўқ бўлишини истайсиз?

— Ҳасадни. Ёнидаги одамнинг ютуғини тан олмасликни ҳасад, деб биламан. Бу жамият учун ҳам катта офат.

Мен шу фурсатдан фойдаланиб, барча-барча аёлларимиз, қизларимизни яқинлашиб келаётган 8 март — Халқаро хотин-қизлар куни билан муборакбод этаман. Уларни ҳам ботиний, ҳам зоҳирий гўзаллик тарк этмасин.

МУХБИРИМИЗ суҳбатлашди

Иқрор

ЭР ва ЕР
/ЕР ва ЭР/

Албатта, кўпчиликка яхши таниш халқ эртагининг лавҳалари ёдимиздадир. Подшо зериккан ёки у ҳар бир унсурдан ҳикмат излайди: ўрда ҳовлисидаги дарахтга қўнган қарғанинг "қа-қа" дегани мазмунини билгиси келади. Бироқ жавоб беришдан ожиз тўрт юз уламо, уларнинг бошини олишга шай ўн тўрт жаллод. Золим подшога бош олиш пайкалдан тарвуз узишдек гап, "офтоб шуъласи ерга етмай" амр вожиб бўлади. Шу чоқ камбағал аёлдан туғилган Ҳуснобод журъат қилиб ўртага чиқади ва қарғанинг "сўз"ини таржима қилиб беради. Ўжар қиз етти йил зиндонга ташланади, лекин доно вазир уни қутқаради ва эртакнинг ёруғ хотимаси, ундан тўқилган гўзал мақол: эрни эр қиладиган ҳам, қаро ер қиладиган ҳам — хотин!

...Бир воқеа сабаб бу мақолни қайта эсладим. Эсладим-у, ўзим яхши билган жами таниш-ларимнинг тақдирини шу тарозида тортиб кўрдим. Во ажаб, халқ донишмандлигининг кучини қарангки, мен ёдга олган барча тақдирларда ўша мақолнинг ниҳоятда тўғрилиги мана-ман, деб турарди. Тўғри, биз бирор одамнинг омади ёки омадсизлиги ҳақида гапирганимизда бошқа омилларни ҳисобга оламиз: иши юришмади; қўли қисқалик қилди; болалари нобоп чиқди ёки ўзида бор, сингари мулоҳаза юритамиз, бироқ ҳаммасидан олдин "Унинг хотини — турмуш ўртоғи ким?" деб савол берсак, кўп нарса ойдинлашиб қолар экан.

Воқеа эса мана бундай эди.

Бир факультетдошимиз ўз касбида шундай даражага эришдики, унинг бу ютуғини талабаликдаги вазияти билан чоғиштирса, "тошдан олов чиқди", деб баҳолаш мумкин. Ҳали университетни битирмай, ҳайкалини ўрнатиш учун жой излаб юрганлар, ўшандаёқ "классик"ка айланганлар бир "лов" этди-да, қолиб кетишди, у эса ҳеч кимга кўринмай, аста-аста олдинлаб борди, обрўни ҳам, мансабни ҳам, бойликни ҳам кетма-кет, изчил забт этиб олаверди. Ҳар сафар у ҳақидаги бирор хушхабарни эшитсам, талабаликдаги Маҳмуд кўз олдимга келаверади: тортинчоқ, камгап эди, аранг "ўрта"га ўқир, машғулотларга ҳам номига келиб кетар, факультетдаги ташкилий ишларда деярли кўринмасди. Пахта териш пайтлари унинг бирон марта гулхан атрофига чиқиб шеър ўқиганини ёки "юз килограмчи" бўлиб мукофот олганини билмайман, аксинча, этагини аранг судраб, бурнини тортиб, бир амаллаб юрарди. Ана шу "писмиқ" бирданига соҳанинг дадил вакилига айланиб қолди. Мен унинг муваффақиятлари сабабларини кўп таҳлил қилдим, аммо бирор асосли важ топа олмадим. Шунда халқда: "Яхши от кейин чопади" деган нақл бор, у ростдан ҳам "яхши от" экан-да, деб ўзимни тинчитдим.

Навбатдаги сафаримда яна уни излаб бордим. У иш жойида йўқ эди, суриштирсам, "Бугун хотининнинг туғилган куни, уйида меҳмон кутишга тайёргарлик кўраяпти", дейишди.

— Ў, у шунчалик маданиятга эришганми? — дедим истеҳзо билан.

— Йўқ, сиз билмайсизми? Хотини жуда мўътабар аёл-да, — деди суҳбатдошим, — бундай аёл учун дунёни ҳадя этсанг арзийди.

— Чинакам гўзал инсон. Бунақаси кам топилади.

Маҳмудни яқиндан билганлар ўз ҳаяжонларини тўкиб солишди. Маълум бўлишича, келин вилоят кутубхонасида меҳнат қилар, ҳуснда, муомалада мукаммал экан.

— Одамлар кўпроқ китоб ўқиш учун эмас, шу фаришта кўриш учун кутубхонага келишади, — деб фикрларини якунлашди улар.

Бўлиши мумкин. Дунё ҳикматлардан холи эмас. Мақтовлар, эътирофлар ўз йўлига-ю, мен бошқа бир ҳақиқатни кашф этган эдим: демак, танишимнинг ютуқлари сири — шу экан. Маҳмуд бир аёл туфайли ерга эмас, эрга айланган экан. Бу хулосага сиз қанчалик қўшиласиз, билмадим, лекин шу оддий ҳақиқат олдида кўп нарсалар сароб бўлиб қолади. Кейинги кузатишларим асосида бу нарсага янада ишонч ҳосил қилдим. Эркакнинг жуфти ўзига мос бўлса, ёшлигида куч-қувватга тўлиб, камолга етиб, юксак парвозларга қанот олади; ўрта ёшда чинакамига яшаб, оламшумул ишларни амалга ошириб, ҳаётнинг барча лаззатларидан етарлича тотади; қариганда умр бўйи эккан ҳосилининг мевасини териб, фарзандлар ардоғида яшаб, дунёдан армонсиз кетади. Бундай бахти комилликка фақат эркакнинг ўзи эмас, балки унга шу бахтни ато этган аёл ҳам биргаликда муяссар бўлади. Чинакам эр-хотинликнинг, аёлнинг эрга, эрнинг аёлга инсоний ҳурматининг мазмуни шу!

Тўғри, булар ҳақида жуда кўп ва хўп ёзилган. Бу мавзуда бирор янги гап айтиш ҳам қийин. Афсуски, баъзида ёки ҳар доим ана шу "ҳаммага маълум" ҳақиқатларга амал қилинавермайди, улар билан ҳисоблашилавермайди. Бинобарин, ҳар бир кунимиз янгилик, янги тарих экан, ана шу кўҳна ҳақиқатларга бугун нечоғли амал қилинаётганини охори тўкилмаган мисоллар билан кўриб чиқайлик.

***

Кўпчилик эр-хотинлик муносабатларини икки қутбга ажратадилар: тўйгача ва тўйдан кейин. Ҳатто бу қутблар борасида катта жарлик бор, қолаверса, улар бир-бирига зид (худди Арктика ва Антарктидага ўхшаб) деб тушунтирмоқчи бўладилар. Уларнинг даъвоси нақадар ўринли билмадим, бироқ нега ҳамма Маҳмуджонга ўхшаш омадли эмас, деган савол кишини қийнайди. Ҳар ҳолда на эр, на ер бўла олган, икки музлик орасидаги шиддатли шамоллар билан умри ўтаётган эркаклар ҳам, аёллар ҳам кўп. Уларнинг баъзилари "Турмуш, бу — мушт, эрнинг нони ичида тоши бор", деб ёзғирса, бири "Ёлғиз яшаётганим аёллар дунёсига исёнимдир", деб ўз изҳорини баён этади. Бошқаси "Э, эр ҳам ўз хотинини ҳурмат қиладими?" дея заҳарханда қилса, тўртинчиси "Ўтди-да умр" дегандек лоқайд қўлини силтаб қўяди. Табиийки, бундай бахти кемтик одамлар бизнинг фаровон турмушимизда камчиликни ташкил қилади. Айниқса, муҳтарам Юртбошимизнинг ташаббуслари билан маҳалланинг ўрни ва мавқеининг кучайиши туфайли оила мустаҳкамлиги янада ортди, ажралишлар камайди. Шу туфайли Маҳмуджонга ўхшаганлар кўп.

Аёл ҳам турмуш ўртоғи, ҳам она сифатида одамзот дунёсининг икки қирғоғига ўхшайди. Агар бу қирғоқ эгри-бугри бўлса, дарё ҳам шундай ўзандан оқади, қийшиқ ўзандан оққан дарёда эса хас-хашаклар кўлмак бўлиб қолади, оқим ҳам тез бўлмайди. Қирғоқлар тептекис, силлиқ бўлса, дарё суви мусаффо, оқим шиддатли, ўзан тоза бўлади. Бизнинг тасаввуримиз ана шундай манзарани акс эттирди.

Албатта, тўйдан кейинги турмуш фалсафаси жуда теран. Бу ҳақда Суқрот ўз хулосасини шундай баён этган: "Ўйлаб-нетиб ўтирмай шартта уйлан. Хотининг яхши чиқса-ку, хўп-хўп, ёмон чиқса, файласуф бўласан". Суқротдек кишики ажрни тақдирга ҳавола қилган экан, бошқаларга бирор жўяли гап айтишга йўл бўлсин. Демак, бу борада ёзилмаган қонунлар, кашф этилмаган сирлар кўп экан. Албатта, эрнинг, эркакнинг тақдири, бинобарин, келажакнинг тақдири Аёл жаноби олияларининг қўлида экан, фақат ўзига инсоф берсин, дея илтижо қилишдан ўзга чора йўқ.

Аммо вазиятни бутунлай назоратдан четда, деб ҳисоблаш хато бўлур эди. Ҳеч қурса тўйгача бўлган даврни кўнгилдагидек уюштириш имкони бор.

Гап бир-бирига муносиб жуфтлик ҳақида кетар экан, масаланинг хусусий ва ижтимоий жиҳатларини фарқлаб олишга тўғри келади. Хусусий (шахсий) томони шундаки, келин ёки куёв танлаш ота-она, қариндошларнинг ички иши. Ҳар кимнинг диди ҳар хил, "Шоҳнинг ишқи қурбақага тушибди", дейишади. Бу борада эса икки таомил амал қилади: севиб уйланиш ёки ота-она розилиги билан уйланиш. Бизнингча, бу икки ҳолат руҳшунослар фикри, турмуш тажрибаси, авлодлар ҳаёти мисолида етарлича тадқиқ қилинган. Хулосалар эса тахминан қуйидагича: севиб уйланганларда "Ким кимни кўпроқ севади?" деган фикр устун бўларкан. Ота-она розилиги билан турмуш қурганларда эса: "Ким кимга кўпроқ ёқади?" деган андиша кучли бўларкан. Негаки, биринчи ҳолатда севги изҳор қилган томон (йигит ёки қиз) шу вазифани адо этиш билан у томонни ўзидан олдинги ўринга ўтказади (яъни унинг олдида "паст тушади"), ана шу олдин-кейинлик турмушдаги ҳамма икки-чикирларда акс этади. Гўшангада учрашганлар эса бир-бирини яхши билмаганлигидан тенг муносабат ўрнатади, қолаверса, ўзаро яхши томонларини намойиш этишга интилади. Севишганларда турмуш завқли, ошкора, замонавий кечса, буларда вазмин, сирли, анъанавий тарзда ўтади. Бирида муносабатлар тезда зерикарли тус олиб, поёнига етиб қолса, иккинчисида янги жиҳатлар кашф қилиниб, узоқ давом этади. Албатта, бу хулосалар нисбий бўлиб, уларнинг тўғрилигига ҳеч ким кафолот бермайди, шунинг учун ишонса ҳам, ишонмаса ҳам бўлади. Эндиликда келин ёки куёв танлашнинг томонларнинг насл-насабини суриштириш, шифокор кўригидан ўтказиш сингари усуллари жорий бўлаяптики, бу билан яқин орада кўп муаммолар ечилади.

Албатта, эр-хотинлик — оила жамиятнинг ажралмас қисми экан, бу масалаларнинг умумжамият, яъни ижтимоий томонлари ҳам мавжуд. Қолаверса, оиланинг шахсий бахти ёки бахтсизлиги жиддий ижтимоий масала: жамиятда бахтли оилалар кўп бўлса, жамият шунча ривожланган, илғор ҳисобланади ва аксинча. Демак, келин ёки куёвнинг кимлиги (бу ўринда тарбияси, маълумоти, ҳатто соғ-лиги) ҳаммани бепарво қолдирмайди. Зеро, бу бепарволикнинг замирида "Бугунги ёшлар қандай вояга етаяпти?" деган ташвиш мавжудлиги ҳам бор гап.

***

Газетамизнинг ўтган сонида "Валентин куни" муносабати билан билдирилган мулоҳазалар кишини жиддий ўйлантиради. Бундай ҳолатни қандай баҳолаш лозим: у умуммиллий фожиами ёки рўй бериши шарт бўлган оддий воқеликми? Шуниси борки, ўша мақолада бу борадаги бугунги аҳвол тўла акс эттирилмаган, ундан бир шингил келтирилган, холос. Лекин шунинг ўзи ҳам жиддий ўйлаб кўриш учун етарли. Майли, бошқа катта гаплар (масалан, ўзбек халқининг буюклиги — бу буюклик баъзан шундай тал-қин қилинадики, гоҳида ер юзида инсон зоти биздан тарқалганми, деб ўйлаб қоласан — меъёрсиз мақтаниш шунга олиб боради ёки ўзбеклар ҳамма нарсани яратган-у, бошқаларга бериб қўйиб, ўзи қуруқ қолган; янги бир ғайримиллий байрамнинг турмушимизга кириб келгани)ни бир четга қўяйлик-да, бир нарса ҳақида мулоҳаза юритиб кўрайлик: эфирда жар солиб қизлар (ҳаҳа, қизлар, қизчалар) йигитларга севги изҳор этаяпти! Йигитлар-чи? Улар жим, улар, умуман, кўринмайди. Демак, ташаббус қизлар тарафида.

Аслида кимдан ҳам гина қиласиз? Ўша қизлар кеча, бугун тўрва-халта кўтариб, шаҳарма-шаҳар, бозорма-бозор изғиб юрган аёлларнинг зурриёди эмасми? Фалак бир айланганча улар ҳам она бўлади. Энди уларнинг болалари ким бўлишини ўйлаб кўринг. Одамлар ўзлари сезмаган ҳолда эккан уруғларининг ҳосилини ўриб олаверадилар. Бундан ё ютадилар, ё ютқазадилар. Кўплар бундай ҳолларга беҳаё фильмлар, тунги дискотекалар айбдор, дейишади. Балки ростдир, аммо одамни тўғри йўлга бошқарадиган оила муҳити, оила тарбияси деган омиллар бор-ку... Эҳтимол, ўсмир қизчаларнинг дод солиб ўз севгисини изҳор этиши жуда катта фожеа эмасдир, лекин оила қўрғонининг заиф бўлиб қолиши, айниқса, унда эркакнинг ўрни йўқолиши бундан-да катта фожеа эмасми? Юзага бўртиб чиққан дард ҳақида куюнчаклик билан гапирган яхши, аммо унинг илдизларига теранроқ назар солинса, моҳият янада ойдинлашган бўлармиди?

Яқинда бир ҳамкасбимиз кўчадан гап топиб келди: бизнинг ота-боболаримиз момоларимизни ўпишда гулдан ҳам уялган эканлар. Ҳатто бу ҳақда ҳазрат Алишер Навоий ғазал ҳам ёзибди. Ҳақ гап, аждодларимиз ана шундай ҳаёли бўлишган. Улар кўп нарсадан уялишган. Нафақат гулнинг қаршисида ўпишиш, балки ёлғон гапириш, алдаш, мунофиқлик, ҳаром-хўрлик сингари барча иллатлардан уялишган. Баъзан манзарани тасаввур қилиш учун бир унсур кифоя қилади (масалан, янтоқ — чўл аломати). Ижтимоий ҳаёт манзарасини тасаввур этиш эса алоҳида юлиб олинган бир воқелик орқали тақдим этилса, ҳаммаси чалкашиб кетаркан. Яна ўша эфирдаги қизчаларга қайтайлик. Улардан биз "Уят" талаб қиляпмиз, бироқ ўшалар шу ёшга етгунча бу тушунчага дуч келдиларми, ҳаётларида уятдан қизариб, изза бўлган бирор одамни кўрдиларми? Бу саволга жавоб топиш учун бугунги кундаги оила ҳаётидан ташқари кўча-кўй, боғча, мактаб, билим юртидаги маънавий муҳитни кўз олдимизга келтирсак кифоя...

Шубҳасиз, бу мулоҳазалар лейтмотивга дахлсиз эмас. Зеро, мавзу мустақил юртимизнинг тарихий юкини елкасида азот кўтара оладиган муносиб кишилар ҳақида эди. Бундай "замонамиз қаҳрамонлари"- нинг шаклланиши оила муҳитида ҳам, ишлаб чиқариш жойларида ҳам, маиший ҳаёт лаҳзаларида ҳам баробар кечади. Ва биз ҳамма жойда эркак-аёл муносабатига дуч келамиз. Ана шу муносабатларнинг қай даражада эканлиги бизнинг аслида ким эканлигимизни белгилаб бераркан, бу юксаклик ҳар доим Аёлларнинг бўйи билан ўлчаниб келган. Бир ҳаётий мисол:

Чекка қишлоқларнинг бири чўлга кўчирилди. Уларга шароитни, айниқса, пахтачиликни яхши биладиган одам раҳбар этиб тайинланди. Бу ҳол кўчиб келганларга унча ёқмади, улар "Биз подамизми, чўпонимиз четдан бўлади?" деб норози кайфиятда юришди. Йиллар ўтаверди, ҳар йили 50-60 бола мактабни тугатиб, мустақил ҳаётга йўл олаверди. Орадан 25 йил ўтди. Бу пайтда қишлоқликлардан фан докторлари, таниқли артист ва рассомлар етишиб чиқди, бироқ хўжаликка етакчилик қиладиган раҳбар чиқмади. Ўндан зиёд кишида диплом бўлса-да, қишлоқ хўжалиги машиналари бош муҳандислигини бирортаси эпполмади. Шунда бу одамлардан нега раҳбар (лидер)лар чиқмади, деган савол кўндаланг бўлди. Унга ёзилган жавоб шундай эди (балки нотўғридир): қарийб 30 йилда кўп нарса ўзгарди, асфальт йўл, газ, телевизор, телефон оддий нарса бўлиб қолди, одамлар бойиди, дунё кўрди, бироқ турмуш тарзи, айниқса, аёлларга муносабат ўзгармади. Ҳамон ўша эски биқиқ анъаналар, бола тарбияси, оила муҳити давом этяпти. Гапнинг дангали эса оналар ҳақиқий эркакларни туғиб, тарбиялаб бера олмаяптилар. Шунинг учун ҳамон хўжалик раҳбари ўзларидан чиқмайди.

Бу бир жўн гап, бир шахсий кузатиш. Негадир шу фикрда жон борга ўхшайди, негадир шу фикр одамзот буткул тараққиётининг энг сара хулосаларига ҳамоҳангдек.

Ҳа, одам зоти шу вужудда пайдо бўлади, унга юкинади, ундан нажот ва шафқат сўрайди. Аёл салтанати дунёлар, мавжудотлар, донишмандликлар-у тафаккур инқилоблари — ҳамма-ҳамма нарса устидан ўз ҳукмини ўқийди. Бу енгилмас, мағрур ва боқий ҳақиқат қаршисида қуллуқ қиламиз.

Ҳаким САТТОРИЙ

Mustaqil gazeta HURRIYAT

Аёлларни қанча улуғласак, ҳаётимизнинг чироғи, умримизнинг гули, деб эъзозласак, демакки, оиламизни, Ватанимизни эъзозлаган бўламиз.

Ислом КАРИМОВ

Ибрат

НИЯТ ХАЙР — ОҚИБАТ ХАЙР

Оила қуриш ниҳоятда нозик масала эканлигини яхши биламиз. Бунга юзаки қарайдиганлар хато қиладилар. Тўғри, ота-онанинг мақсади вояга етган фарзандини уйли-жойли қилиб, тинчиш. Лекин масаланинг энг муҳим томони — танланаётган йигит ёки қизнинг оилага бўлган муносабатини яхши ўрганмай, уларни оилали қилиш. Айниқса, қизларни узатиш жиддий иш. Ҳадиси шарифда: "Умматимдан менинг шафоатимни истаган киши қизини фосиққа бермасин", дея марҳамат этилади. "Муршиди мутааҳҳилийн" номли китобда: "Қизини турмушга берадиган кишининг биринчи вазифаси бўлажак куёвнинг иймонини, амалини, ахлоқини, феъл-атворини билмоқдир", дейилади.

Бир аёл дедики, талабалик йилларимда бўлажак умр йўлдошим ҳақида тасаввур қилолмасдим. Бу ҳақда ўйлашдан ҳам тортинардим. Фақат бир ўғлим бўлса, исмини Отабек қўйсам, дея орзу қилардим.

Оила қурдим. Ўғиллик бўлдик. Менинг ўша орзуларим хотирамдан фаромуш бўлган экан. Қайнонам ҳам "Шу ўғлимдан набира кўрсам, исмини Отабек қўяман", деб ният қилган эканлар.

Ўғлимнинг гувоҳномасини қўлга олиб, Отабек исмини ўқигач, ўша орзуларим ёдимга тушди. Қорачиқларимда ёш айланди. Аллоҳ эзгу ниятларга Ўзи йўл берар экан.

Бир аёл эса: "Турмушга чиқаётган пайтимда жоҳиллигим туфайли ният нима эканлигини ҳам билмаган эканман. Мана, энди фарзандларимнинг тарбиясидан қийналиб юрибман", дейди. Гапни бошқа бир жувон илиб кетади: "Мени турмушга мажбурлаб беришган. Ўшанда ҳеч нарсани ўйлагим ҳам келмаган. Ҳозир мени кўрганлар "Жуда бахтли яшаса керак", деб ўйлашади. Аслида ундай эмас: ҳамиша кулиб юрганим билан ичимда изтироб қайнайди. Турмушга чиқишдан олдин "барибир ажраламан", дегандим. Энди эса яхши ният қилмаганимдан хафа бўлиб кетаман".

Бизга ҳар қандай масалада қай тарзда ният қилишимизни муқаддас динимиз ўргатади. Қуръони каримнинг "Фурқон" сураси (74-ояти мазмуни)да Аллоҳ таоло фарзанд ва жуфти ҳалол сўраганларни бундай таърифлаган: "Улар: "Ё Парвардигоро, Ўзинг бизларга жуфти ҳалолларимиздан ва зурриётларимиздан кўзимиз қувончи бўладиган солиҳ инсонлар эҳсон айлагин, бизларни тақво аҳлига пешво қилгин!", дейдиган кишилардир".

Яна бир қизни биламан. Унинг руҳияти ниҳоятда гўзал, нуқул тасаввуф ҳақида гапиради. Бу таълимотга бўлган муҳаббати учун ҳам унга бефарқ бўлмадим. Чунки қизнинг нигоҳида Аллоҳга бўлган ишқни кўрардим. Унга совчилар кела бошлади. Лекин қизни ташвишга солган нарса — йигитнинг оила ҳақидаги фикри ва ниятларини қандайлигини билиш эди.

Бир куни айтиб қолди: "Келаётган совчилар мени йигит билан учраштирмоқчи. Унга аҳволимни қандай тушунтираман, дея ўйлаб ўтириб, хаёлимга бир фикр келди, яъни орзуларимни қоғозга туширгач унга бермоқчиман ва шу йўл билан унинг ҳам мақсадларини билмоқчиман". Қизнинг ҳаёт тўла кўзларини кўриб, очиғи, хурсанд бўлдим.

Орадан кунлар ўтди. Тақдири бошқа жойдан қулиб турган экан, учрашув бўлмабди. Бундан қиз хотиржам, чунки бунга кўнгли ҳам торттмаган экан. Қизга бошқа жойдан совчилар келади. Аллоҳнинг мўъжизасини қарангки, йигит билан қиз учрашмай туриб, ниятларига етгандек эди, гўё. Негаки, йигит ўзининг қизиқишлари, мақсадлари ва шу билан бирга муаллифи аниқ бўлмаган бир ғазални (балки муаллифи ҳам ўзидир) қизга юборибди. Бундан ҳам ҳайратландик, ҳам дуонинг инсон ҳаётидаги ўрни нақадар буюк эканлигига янада ишондик.

Халқда "Ниятинг ҳамроҳинг бўлсин", деган ибора бор. Турмуш сўқмоқлари баланд-пастлиги билан ҳар кимда ҳар хил кечади. Ҳар ким ниятига яраша юксак мартабаларга эришади.

Барчага Аллоҳ таолодан дунё ва охират хайрларини тилаган ҳолда, юқорида зикр этганимиз қизнинг орзулари туширилган битиклари ва йигитнинг унга йўллаган ғазалини ибрат учун ҳавола этмоқчимиз.

ҚИЗ:

Мен, Аллоҳнинг ожиза қули, бу дунёда Аллоҳ рози бўладиган ва охиратда Унинг жамолига, раҳматига ва севгисига эришадиган покиза умр кечиришни хоҳлайман. Иложи бўлса, Ҳақнинг ёди билан яшардим. Лекин ёлғизлик фақат Аллоҳга хос бўлганлиги, қолаверса, ота-онанинг фарзанди вояга етгач, турмушга бериши фарз амалларидан бўлганлиги учун ҳам бунга мажбурман. Мен шундай жуфт билан ҳаёт кечиришни ният қиламанки, у инсон Пайғамбаримизнинг ахлоқлари билан хулқланган бўлса; барча зарурий дунёвий-уҳровий илмлардан воқиф бўлиб, маданиятли, маънавиятли, эътиқодда, амалда ҳам ислом мезонларига содиқ бўлган; дунё ва охиратда бахтли-саодатли ҳаёт кечиришда йўлбошчим бўлишини; шу жуфтим билан жаннатнинг энг олий мақомида ҳам бирга бўлишни; бир-биримизга жуфтлик йўлида ҳамда ҳаётнинг барча синовларида муҳаббатлик бўлишимизни; мени тун ярмида таҳажжуд намозига уйғотадиган; тоатимда ёрдам берадиган; ҳар куни мендан "бугун Қуръондан қанча оят ёд олдинг ва қанча пора ўқидинг", деган сўзлари қулоғим остида такрорланиб туришини ва гўзал овоз билан Қуръон ўқиб беришини ва унинг маъносида яшашни орзу қиламан. Чунки бундай фазилатларсиз ҳалол, пок яшашнинг иложи йўқ. Бу нафақат оилам, балки жамиятим учун ҳам жуда фойдали.

Мен яқинда тасаввуф йўлига кирдим. Ҳозирча тасаввуф ҳақида тушунчам унчалик кенг эмас. Лекин бу йўлнинг тўғрилигига аминман. Негаки, тасаввуфгина инсонни комиллик мартабасига эриштиради. Шунинг учун турмуш ўртоғим ҳам бу таълимотни яхши тушунган бўлишини ва тасаввуфга бўлган муҳаббатимни янада кучайтириб, танлаган йўлимнинг сир-асрорларини менга англатишини истайман!

ЙИГИТ:

Ажаб ақли расо ёринг, гўзал хулқи қамар бўлса,
Тавозели, малак сиймо, насаб гарчи башар бўлса.

Бўлиб озода ҳовлиси, бирам уйлар саранжомлиғ,
Идишлар тозадур ўрни сариашта ҳам басар бўлса.

Хато қилса, ўгит берсанг, кўзин доим тикиб ерга:
"Тасаддуқман, бегим" деб ул, сўзинг чин мўътабар билса.

Табассумлиғ, қабоқ читмас, иши Тангри ризосидур,
"Фидодур" дер "ширин жоним", агар ёрим сўрар бўлса.

Шариатни тутиб устун, кечиб нафси ҳавосидин,
Гапирсанг гар ҳадис, оят кўзидин ёш тўкар бўлса.

Салафларга муҳаббатлиғ, олиб ўрнак Румайсодин,
Иши вақтингни хуш қилмоқ, ғаминедан бохабар бўлса.

Кечиб зар, зебу зийнатдин, жавоб қилса Ҳумайродек,
Ҳалол жуфти билан бирга таҳажжудда турар бўлса.

Чиқиб кўчага бул фосид замонда ташвишинг ортур,
Кулиб ҳовлида, нози юз ғамингни кетказар бўлса.

Фироқи ўртаса дилни, олур жон ғамзаси ўқдек,
Пиширган ҳар таоми ҳам асал, новвот, шакар бўлса.

Мунингдек васфга молик бўлса ёринг гар кулиб бахтинг,
Нисор айла анга жонинг насибанг шул қадар бўлса.

Сабаб бўлган кишини кўп дуо қилгил Муниб дилдан,
Худо рози бўлсин! деб илтижо айла саҳар бўлса.

Лола НАСРУЛЛОҲ тайёрлади

Меҳмон

НАЗОКАТЛИЛИК — ҚИЗЛАРНИНГ КЎРКИ, —

дейди филология фанлари номзоди Саодат СУЛТОНСАИДОВА

— Сизнингча, бугун аёлларимиз ўзларига берилган қандай имкониятлардан фойдалана олишмаяпти?

— Саволингиз хамма аёлларга ҳам бирдек тегишли бўлмаса керак, деб ўйлайман. Сабаби, ҳеч бир аёлнинг имконияти чекланмаган. У хоҳласа ишлайди, хоҳламаса йўқ. Ҳамма соҳада ўзларида бор имкониятидан фойдаланиши мумкин. Барча даврларда бўлганидек, бугунги XXI аср ўзбек аёллари ҳам ўзларининг уддабурон ва жамиятни бошқаришга қодир шахс эканликларини исботлашмоқда. Қолаверса, фан докторлари, депутатлар орасида ҳам аёлларимиз сафи кенгайиб боряпти. Бундан кўринадики, аёллар шахсан ўзларига тегишли бўлган хусусиятлардан бемалол ва чексиз фойдаланиш имконига эга бўлган даврда яшашмоқда. Аммо бундан хамма ҳам самарали фойдаланаяпти, деб бўлмайди.

— Касбингизнинг ўзингизга ёққан ва ёқмаган жиҳатлари борми?

— Ҳар бир касбнинг ўзига яраша қийинчиликлари бор. Агарда киши сидқидилдан ўз касбини севадиган бўлса, мавжуд қийинчиликлар ҳам унинг кўзига кўринмаса керак. Ажабмаски, менга ҳам айнан касбимни севганим учун, унинг ёқмайдиган жиҳати йўқдек туюлар.

— Бугунги талабалар ҳақида қисқача фикрингиз?

— Бугунги талабаларга олди-қочди гапларни гапириб вақт ўтказиб бўлмайди. Улар жуда талабчан бўлиб кетишган. Ана шу талабга жавоб бера олсангизгина, улар сизни тан олишади. Бўлмаса, вақтларини бекорга кетказишни истамаслигини очиқ-ойдин айтиб қўяқолишади.

— Қизларимиздаги қандай фазилатлар кўпайишини хоҳлардингиз?

— Қизларимизда назокатлилик кўпайишини хоҳлардим. Назокатлилик қизларни гўзал кўрсатади. У инсон чеҳрасига нур бағишлабгина қолмай, кўнгилга самимий ва бокира туйғуларни ҳам етаклаб келади. Шунинг учун назокатли қизларга ҳамманинг яхшилик билан ёрдам бергиси келади. Албатта, фақат билимгина бундай сифатнинг юзага келишига замин яратади, деб ўйлайман.

— Илгари ҳам ўқиган, аммо вақт топиб сиз яна ўқишни истайдиган китоб?

— Абдулла Қодирийнинг "Ўтган кунлар" романи.

— Мактабларда эркак ўқитувчиларнинг камайиб кетаётгани таълим соҳасига қандай таъсир этиши мумкин, деб ўйлайсиз?

— Бир сўз билан айтганда, эркак ўқитувчиларнинг камайиб кетаётгани таълимга салбий таъсир кўрсатмасдан қолмайди. Чунки аёл ўқитувчилардаги меҳрибонлик ва раҳм-шафқат, эркак ўқитувчилардаги талабчанлиг-у қаттиққўллик билан кўнгилдагидек уйғунлашган ҳолдагина ўз даврининг ҳақиқий қаҳрамонларини тарбиялайди. Фарҳодлар, Алпомишлар шундай тарбиянинг маҳсули бўлган бўлиши мумкин.

— Ижобий маънода қўлингиздан келмайдиган нарса?..

— Кимдир бирон-бир дардини шикоят қилгудек бўлса, албатта, нимадир деб дарддан фориғ этиш йўлини ўргатишга, бирон фойдали маслаҳат беришга интиламан. Билмадим, балки табиблик қонимда борлиги учунми?!

— Суҳбатингиз учун раҳмат.

Суҳбатдош: Зебо НАМОЗОВА

Ривоят

ОНАМНИ РОЗИ ҚИЛА ОЛДИММИ?

Бир одам Пайғамбаримизнинг ҳузурларига келиб:

— Ё, Расулуллоҳ! Онам жуда кексайиб, боладек бўлиб қолди. Гўдаклардек ишлар қилади. Ўрнидан тура олмайди. Унга ўз қўлим билан овқат бераман, сув ичираман, таҳоратига ёрдам бераман, сўнгра сажжода (намоз ўқийдиган жойи)га кўтариб олиб бораман. Ё, Расулуллоҳ! Онамнинг ҳақини ўтай олдимми, рози қила олдимми, йўқми? — деб сўради.

Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам:

— Волидангнинг ҳақини юздан бирини ҳам ўтай олмагансан, — дедилар.

Ул одам:

— Нега? Ё, Расулуллоҳ! Мен онамнинг бир айтганини икки қилмайман.

Расули Акрам:

— Волиданг сенга ўғлим ўсиб улғайсин, буюк инсон бўлсин, умри узун бўлсин, деб хизмат қилиб, опичиб юрарди. Сен эса унга қачон ўлади, ўлса қутилардим, деб хизмат қиласан. Булар орасида ер билан осмончалик фарқ бор. Онанг сени боққанида ўғлим қачон улғайиб катта бўлади, дерди. Сен эса онам қачон ўлади, дейсан. Сизларнинг бу ниятларингиз ўртасида катта фарқнинг яна бир жиҳати бор. Сен онангга қанча хизмат қилсанг ҳам унинг ҳақини ўтай олмайсан. Буни яхшилаб билиб ол. Ҳеч бир фарзанд ота ва онанинг ҳақини ўтай олмайди. Яна шуни билгинки, онангга хизмат қилсанг, Жаноби Ҳақ сенга буюк савоблар беради. Ота ва онанинг розилигини олган, ризосига ноил бўлган одам Жаноби Ҳақ ризосига ноил бўлади, розилигини олади, — дедилар.

Эркаклар хотинлари устида раҳбардирлар. Бунга сабаб Аллоҳ бировларини бировларидан (яъни, эркакларни аёллардан) ортиқ қилгани ва эркаклар (хотинлари ва оилалари учун) ўз мол-мулкларидан сарф-харажат қилганларидир.

Нисо сураси, 34-оят

* * *

Хотинларнинг ҳақларига риоя этингиз. Улар билан меҳр-шафқат ила муомалада бўлингиз. Уларнинг ҳақлари хусусида Аллоҳдан қўрқингиз. Хотинлар сизларга Парвардигорнинг омонатидир...

Пайғамбаримизнинг Видо хутбаларидан

Назм

Қисматидан қочиб кетолмас одам

Гулчеҳра ЙЎЛДОШЕВА

МАЪЮСЛИК

Не ғавғолар солдингиз,
Биргина бошимизга.
Зормидингиз шунчалар,
Кўздаги ёшимизга.

Ошиққа минг жафому?
Ошиққа минг жазому?
Келмайдим-у раҳмингиз,
Сабр-бардошимизга?

Ғанимлар шод бўлмасин,
Кўнгли обод бўлмасин.
Офтоблар қўниб ўтсин,
Қовоғу қошимизга.

Эй, гулузор, гулбоғим,
Айтинг, надир гуноҳим?
Инсоф берсин Аллоҳим,
Сиз — баҳри тошимизга.

ЧУМОЛИ

Эрта-ю кеч тиним билмайди,
Чарчамайди, қўним билмайди,
Ишламаган куни бўлмайди,
Шул митти жоннинг.

Чопонлари сарғимтир, қўнғир,
Писанда эмас, ўнқиру чўнқир,
Тортар юки ўзидан оғир
Шул митти жоннинг.

Ичга сиғмас ғайратлари бор,
Меҳнат деган давлатлари бор,
Ушоққина савлатлари бор,
Шул митти жоннинг.

Уни ҳар кун кўргим келади,
Суҳбатида бўлгим келади.
Улкан ҳайкал қургим келади
Шул митти жонга.

ТУВАКДАГИ ГУЛ

Дугонасиз қизга ўхшайди,
Ҳароратсиз сўзга ўхшайди,
Қумга сингар изга ўхшайди
Тувакдаги гул.

Далаларда чопгиси келар,
Тенг-тўшини топгиси келар,
Ёлғизликдан қочгиси келар
Тувакдаги гул.

Соғинади капалакларни,
Тўрлаб ётган ҳандалакларни,
Тўнтарилган осмон фалакни,
Тувакдаги гул.

Тупроқларда чўмилсам дейди,
Кошонадан қувилсам дейди,
Тоғу тошларда ўлсам дейди,
Тувакдаги гул.

ХАЗОН ФАСЛИ

Бошларимда дув-дув тўкилар хазон,
Оёғим остида ёприлар хазон,
Оёғим остида ўкинар хазон,
Мен хазон фаслида қолган чоғимда.

Қисматидан қочиб кетолмас одам,
Ўз устига қисмат битолмас одам,
Бу сўзлар хотирни ёритгувчи шам,
Мен хазон фаслида қолган чоғимда.

Нохайрихоҳларим ортиб боради,
Аравамни ортга тортиб боради,
Бирга ўнни қўшиб-чатиб боради,
Мен хазон фаслида қолган чоғимда.

Биламан, нафақат аҳёр гуллайди,
Сизнинг боғингизда баҳор гуллайди,
Кўзимнинг ўнгида виқор гуллайди,
Мен хазон фаслида қолган чоғимда.

Ғойиблардан келар ғойиб овози:
Бордир Яратганда тошу тарози,
Сенга ҳам аталган ажр-эъзози...
Мен хазон фаслида қолган чоғимда.

АРМОН

Оқибатсиз оламларда яшаб ўтдим,
Рақиб надир, дўст макридан ёниб битдим,
Тўкилишга келиб қолдим — тўлиб кетдим,
Тошюраклар тошлар боғлар юрагимга.

Ёлғон экан, ёлғондакам суйганлари,
Озор бўлди кўнглимизга уйганлари,
Англатадир тил учида куйганлари,
Тошюраклар тошлар боғлар юрагимга.

Соч оқарди ҳаёт отлиғ рўёларда,
Дўзахга дуч келдим ёруғ дунёларда,
Балиқларга ем бўлсин, деб дарёларда,
Тошюраклар тошлар боғлар юрагимга.

Хаёлимдай бошсиз-кетсиз олис йўллар,
Ютаман дер ҳувиллаган тақир чўллар,
Эрта-ю кеч тақдим этиб хазонгуллар,
Тошюраклар тошлар боғлар юрагимга.

Ситамлардан рангу рўйим сариқ сомон,
Қолмади-ку қирқ жонимдан бири омон.
Ёмонларнинг куни туғиб ётар ҳамон,
Тошюраклар тошлар боғлар юрагимга.

Тўлиб кетди кўзларим ҳам қулоқларим,
Тирикликда бир-бирига керакларим,
Шул омонат дунёдаги тиргакларим —
Тошюраклар тошлар боғлар юрагимга.

Сийрат

УМР ЛАҲЗАЛАРИ

Актриса Роза Ризамуҳамедова ва бастакор Сайфи Жалил хонадонида бўлган учрашувнинг айрим кўринишлари

"Роҳат" кўлининг ёнгинасида бастакорларнинг хонадонлари бор. Сайфи Жалилнинг ҳовлиси ўша ерда. Унинг уйи ҳам гавжум бўлган. Эҳтимол, бу ҳовлига келадиганларнинг сони кўпроқ бўлгандир. Бу аҳил оилани ҳамиша кузатиб юрардим. Бир ёстиққа бош қўйган икки санъаткор бир-бирини қадрлар, бири иккинчисини бойитар, шу боис ҳам кундалик ҳаётнинг олий мақсади мавжудлиги ,ҳамиша кўзга ташланиб турарди. Сайфи ака умр йўлдошлари 18-19 ёшида ўйнаган Умидани ("Маҳаллада дув-дув гап" фильми) кўриб, лирик кайфиятга берилар, сўнгра қўлларига гоҳ дуторни, гоҳ танбурни, гоҳ торни олиб ўзлари басталаган "Қалбимдасан" куйини чаларди. Ёзиладиган "Сайфи ва Розахон" достонининг дебочасидир бу! Улар ҳисҳаяжонларини на айтилган, на ёзилган сўз билан ифода этмаганлар. Бири гоҳ шўх, гоҳ ўйчан кайфият, самимий

табассум билан замир фикрларини, юракларида жўш урган севги тўлқинларини билдиришган...

Бир йил бўлдики, деворга осилган дутор-у танбурлар, тор-у сатолар, уйнинг тўрида савлат тўкиб турган "Белорусь" пианино клавишлари мусиқа шайдоси Сайфи акани, бу бастакор ва ҳофизни, созанда ва соз устасини йўқотиб қўйди. Кенжа фарзанд Садриддин — у ҳам бастакор — не эҳтиётқорлик билан созни қўлга олар, клавишларни аста босар, Назокат — Сайфи аканинг хушовоз набираси — бу хонада кўп янграган қўшиқни яна баралла айтар, Розахон эса уларни тинглаб, кўриб ҳам қувонар, ҳам хотираларга берилар, 40-45 йил ортида қолган ширин дамларни яна бир карра тасаввур этар, лекин "актёрлик қилиб", мураккаб ҳолатини яширарди... Яна бу хонадонда мусиқа ҳукмронлик қиларди. Бу яхши-да!

— Бу дўстлик, бу ҳамкорлик қачон бошланди? Севишганларнинг йўлида ҳеч ким тўғаноқ бўлмадими?

— Бўлган бундай "тўғаноқ", — жавоб берадилар Розахон. — Сайфи аканинг совчиларини отам қайтарганлар. "Бу йигитни билмасак, ота-онаси бўлмаса, шундай қизимизни бериб юборамизми?" деб рижёр Саид Алиев тайинланган.

Бу ҳикояни эшитиб, мириқиб кулиб, Розахонни яна гапга тутдик:

— Ўзингиз қувноқ аёлсиз. Ёнингизда ҳамиша гапга чечан, ҳазил-мутойибага ўч, қўшиқ, куйни хиргойи қилиб юрадиган шахс — Сайфи ака бўлганлар. Лекин икки фильмда — "Маҳаллада дув-дув гап", "Истиқбол йўли"даги қаҳрамонларингиз Умида ва Замира йиғлашади. Қийин бўлмаганми?

— Енгил бўлмаган. Режиссёр Ш. Аббосов кўп тушунтирган, Умиданинг ҳолатига олиб кирмоқчи бўлган. Йиғи келмаган. Катта ижодий гуруҳ менга қараб турарган. Ўнғайсизланиб ўрнимдан турмоқчи, павильондан чиқмоқчи бўлдим. Шунда узун кўйлагимнинг этагини босиб олибман. Йиқилаёздим. Зўрбазўр қаддимни ростлаётганимда режиссёрнинг киноя билан айтган сўзларини эшитиб қолдим: "Ўрнингиздан туришни эплай олмайсиз-ку, кинода роль ўйнамоқчисиз!.." Бу гап менга таъсир қилди. Бироз хафа ҳам бўлдим. Тумонат одам орасида айтилган эди-да! Хўрлигим келиб йиғлаб юбордим. Шунда дарҳол "Мотор!" буйруғи янгради-ю, суратга олишди-қўйишди.

— 1961 йил воқеаларга мўл бўлган экан-да: икки фильмда катнашибсиз, турмушга чиқибсиз. Сизни қаердан топишди? Актриса бўлмасангиз...

— Кўчада дугонам билан кетаётган эдим, икки киши келиб: "Қизлар, кинода роль ўйнайсизми?" деди-ю, бизни студияга бошлаб келди. Суратга олишди. Синовдан ўтишимга ҳеч ишонмаган эдим. Чиройли қизлар кўп эди. Улар ўзбек тилини мендан яхши билишар эди. Мен Хитойдан келганим сабабли уйғур, хитой тилини дурустроқ билар эдим.

— Бу воқеага 43 йил бўлибди! Наҳотки шу даврда яна ижод этгингиз келмади?!

— Киностудиядан вакиллар келди. "Фотосинов", "Киносиновлар"га таклиф этишди. Баъзиларига бордим ҳам. Лекин уй, Сайфи аканинг ижоди, икки фарзанднинг ширин ташвишлари мени бутунлай банд этди.

— Энди ачинмайсизми?

— Бундай дамлар ҳам бўлади. Кейинги пайтда бу ҳақда кўп ўйлайман. Сайфи Жалил етук бастакор бўлиб етишишида, хизмат кўрсатган санъат арбоби фахрли унвони, "Эл-юрт ҳурмати" ордени билан тақдирланишида менинг ҳам хизматим бордир, деб ўзимни юпатмоқчи бўламан. Фарзандларим Сафожон ва Садриддин катта бўлаяпти, камол топаяпти, деб ўзимга ўзим таскин бергандек бўлардим.

Ҳорижий мамлакатларда, айниқса, Европада ўзбек хотин-қизларини ҳурмат билан тилга олишади, уч-тўрт фарзандга, умр йўлдошига хизмат қилиш билан бирга ижодий, ижтимоий фаолият учун ҳам вақт, имконият топишимдан ҳайратга келишади.

— Сиздек истеъдод соҳибаси икки ролдан кейин экранда кўринмай қолишингиз жамоатчиликни ўйлантириб қўйиши табиий. Бахтга қарши бундай ҳолни тез-тез учратиб турамиз.

— Шунинг учун ҳам аёлларга, ёшларга мурожаат этмоқчиман: ўзингизда истеъдод учқунини сезсангиз (ёки кимдир айтса), у аланга олиши, жамиятга, хусусан, санъатга фойда келтириши ҳақида ўйланг. Икир-чикирларга ўралашиб, армонда қолманг! Шундай дейман-у, "Маҳаллада дув-дув гап"ни ўзбек киносининг дурдона асари, деб баҳолашганида, менинг Умидамни табассум билан тилга олишганида, навқирон йилларим бекор ўтмапти, из қолипти, деб хурсанд бўламан.

Роза Ризамуҳамедованинг ижоди оилага садоқати, ўйлари тозалиги, маънавий бойлиги шундай ижод умрининг турли (баъзан бири иккинчисини инкор этадиган) кўринишларига шоирона руҳ беришга, уларни холис баҳолашга кўмаклашади. Кўл бўйидаги ўйларга шундай якун ясадик.

Ҳамидулла АКБАРОВ

Нидо

БЎЛ ОНАНИНГ ОЁҒИН ТУФРОҒИ

* * *

Ҳаммадан баланддир Она мансаби.

Абдурахмон ЖОМИЙ

* * *

Оналарнинг оёғи остидадир
Равзаи жаннату жинон боғи.
Равза боғи висолин истар эсанг,
Бўл онанинг оёғин туфроғи.

Алишер НАВОИЙ

* * *

Онанинг қўллари — фариштанинг қўллари. Шунинг учун ҳам бола бу нафис паноҳда ширин ухлайди.

В. ГЮГО

* * *

Онанг пандларига сен қилгил амал,
Юрарсан бахтиёр бўлиб ҳар маҳал.
Онангни, отангни севинтир тамом,
Бу хизмат еткургай тилакка мудом.

Юсуф Хос ҲОЖИБ

* * *

Онангни севсанг, бошқа бировнинг онасини сўкма.

Абхаз мақоли

* * *

Онангни камбағал деб ташлаб кетсанг ҳам янги она тополмайсан.

Ашантин мақоли

Ўзингни англаб етг

Mustaqil gazeta HURRIYAT

Муассис: Ўзбекистон Оммавий ахборот воситаларини демократиялаштириш ва қўллаб-қувватлаш жамғармаси

Бош муҳаррир вазифасини бажарувчи: Исмат ХУДОЁРОВ

Таҳрир ҳайъати: Турсунали АКБАРОВ, Хуршид ДЎСТМУҲАММАД, Азамат ЗИЁ, Абдуқаҳҳор ИБРОҲИМОВ, Наим КАРИМОВ, Ҳаким САТТОРИЙ (масъул котиб), Озод ШАРАФИДДИНОВ, Раҳмон ҚЎЧҚОР

«Hurriyat» kompyuter markazida Elyor UBAYDULLAYEV tomonidan sahifalandi.

Газета Ўзбекистон Республикаси Матбуот ва ахборот агентлигида 034-рақам билан рўйхатга олинган. Бичими — А-2.

Таҳририят манзили: Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 16-уй. Тел-факс: 41-49-91. Тел: 41-52-72, 144-25-06. E-mail: hurriyat@uzpak.uz

Индекс: Якка обуначилар ва ташкилотлар учун — 233

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди. Манзил: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Навбатчи муҳаррир: Муҳиддин АБДУРАСУЛОВ

® — тижорат белгиси.

Топшириш вақти — 21.00
Топширилди — 20.00
Буюртма — Г - 469
Т: 3121

Таҳририятга юборилган мактуб ва мақолаларга ёзма жавоб қайтарилмайди.